БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 121 (19.792). • 1987 йил 27 май, чоршанба • Баҳоси 3 тийин.

КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ!

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ РУМИНИЯ ДИЁРИДА БЎЛИШИ

БУХАРЕСТЛИКЛАР БИЛАН СУҲБАТ

КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг Руминияга расмий дўстлик визити давом этмоқда. 25 май куни гулчамбарлар қўйилган ёдгорликлар олдида бухарестликлар билан суҳбат бўлиб ўтди.

— Шаҳрингиз жуда яхши. Ўзингиз шаҳардан мамнунмисиз? — деб қизиқсинди **М. С. Горбачев.**

Овозлар: Ҳа, биз шаҳримизни севамиз, унинг янада кўркам бўлиши учун ҳаракат қиляпмиз.

М. С. Горбачев: Бухарестда кўп ўзгаришлар бўлибди, катта реконструкция ишлари амалга оширилмоқда. Фақат биз қайта қуряпмиз, деб ўйлаган эдик. Маълум бўлишича, ҳамма қайта қураётган экан. Бир жойда тўхтаб қолиш мумкин эмас! Шунга қарамай, тарихий архитектура сақланиб қолади, деб умид қиламан. Москвадаги баъзи жойларда биз тарихий архитектурани сақлаб қола олмадик. Энди бўлса афсусланяпмиз.

1944—1945 йилларда Руминияни фашизмдан озод қилиш учун курашда ҳалок бўлган Совет Армияси шавкатли жангчиларига ёдгорлик ўрнатилган майдонда М. С. Горбачев йиғилганларга мурожаат қилиб бундай деди: одамлар жонларини қурбон қилган шу ишни давом эттириш керак. Бу эса тирикларнинг бурчидир!

Шу баҳор кунларида сизларнинг мамлакатингизга келганимдан жуда хурсандман. Бу менинг Руминияга биринчи бор келишим.

Сизлар менга нималарни айтишни истайсизлар?

Овозлар: Хуш келибсиз, Михаил Сергеевич. Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, фаолиятингизда муваффақиятлар тилаймиз.

М. С. Горбачев: Раҳмат. Сизларга ҳам худди шуни тилайман. Биз ўртоқ Чаушеску билан катта амалий музокаралар олиб борамиз. Совет Иттифоқи билан Руминия ўртасида яхши муносабатлар мавжуд. Аммо олға томон ҳаракат қилмоқ керак.

М. С. Горбачев Скинтейя майдонида меҳнаткашлар билан қисқача учрашув чоғида ана шу фикрни ривожлантириб, иккала мамлакат ҳамкорлигини чуқурлаштиришдан совет кишилари ҳам, румин меҳнаткашлари ҳам манфаатдор эканликларини айтди. Инсон келажак ҳақида ўйлар экан, демак ҳамма нарса кўнгилдагидек, деди у. Бир жойда қотиб қолдими — иш пачава бўлади. Ўртоқ Чаушеску ва бошқа раҳбарлар билан музокараларимиз икки томонлама муносабатларга оид бўлади.

Овоз: Олға томон ҳаракат қилиш учун тинчлик бўлиши керак.

М. С. Горбачев: Биз уруш ва тинчлик масалалари хусусида ҳам гаплашамиз. Тинчликни сақлаб қолиш учун социалистик мамлакатлар нималар қилиши лозимлиги ҳақида гаплашиб оламиз. Мамлакатларимиз тўла ҳамжиҳатдир. Совет Иттифоқининг ҳам, Руминиянинг ҳам раҳбарлари тинчликни мустаҳкамлаш учун конкрет ҳаракатлар қилмоқдалар.

Овоз: Худди шундай, биз ҳам тинчлик мустаҳкамланади, деб ўйлаймиз.

М. С. Горбачев: Социалистик мамлакатлар оёққа мустаҳкам туриб олган. Нималар қила олганлигимизни ва ҳаёт янада яхшироқ бўлиши учун нималар қилишимиз ҳақида музокара юритишга ҳам, баҳслашишга ҳам тайёрмиз. Биз ўз социалистик уйимизни авайлаб, асраяпмиз, мустаҳкамлаяпмиз, безаяпмиз, зарур бўлиб қолганда тузатяпмиз. Бу бизнинг ишимиз. Сизлар ҳам ўз мамлакатингиз тўғрисида жон куйдираётганлигингизни кўриб турибман.

(ТАСС).



Учрашув пайти.

Ю. ЛИЗУНОВ ва А. ЧУМИЧЕВ телефотоси (ТАСС).

М. С. Горбачев Н. Чаушеску билан учрашди

БУХАРЕСТ, 25 май. (ТАСС). Бугун бу ерда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев РКП Бош секретари, РСР Президенти Н. Чаушеску билан учрашди.

(ТАСС).

КПСС Марказий Комитетида кенгаш

25 май куни КПСС Марказий Комитетида кенгаш бўлиб ўтди, унда партия билан ҳукуматнинг агросаноат комплекси қайта ишлаш тармоқлари ва маҳсулот сақлаш базасини ривожлантириш юзасидан чиқарган қарорлари қандай бажарилаётганлиги, шу масала юзасидан партия, совет ва хўжалик органларининг вазифалари кўриб чиқилди.

Кенгаш ишида В. И. Воротников, Л. Н. Зайков, Е. К. Лигачев, Н. В. Тализин, В. П. Никонов ўртоқлар қатнашдилар.

Кенгашда қатнашиш учун иттифоқдош республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг, ўлка ва область партия комитетларининг секретарлари, СССР министрлари, давлат комитетларининг ҳамда Центросоюзнинг раислари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва РСФСР Министрлар Совети, КПСС Москва шаҳар комитети, ВЦСПС, ВЛКСМ Марказий Комитетининг масъул ходимлари, республика, ўлка ва область агросаноат комитетларининг, қайта ишлаш тармоқлари корхоналари ва лойиҳа-конструкторлик ташкилотларининг раҳбарлари таклиф этилди.

Е. К. Лигачев кенгашни очиб, қайта қуриш чуқур ўзгартишларга олиб бориши лозим бўлган кўпдан-кўп масалалар орасида Озиқ-овқат программасини амалга ошириш соҳасидаги ишлар алоҳида ўрин олиб турганини таъкидлади. КПСС Марказий Комитети партия билан ҳукуматнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш базасини ривожлантиришга оид қарорлари бажарилишига ғоят катта эътибор бермоқда, йўл қўйилган қолоқликни министрликлар ва идоралар, маҳаллий партия, совет ва хўжалик органлари ишлаб чиқаришнинг шу соҳаси муҳимлиги ҳамда унга етарли баҳо бермаганликларининг оқибати, деб ҳисоблайди.

СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, СССР Давлат агросаноат комитетининг раиси В. С. Мураховский доклад қилди. Қайта ишлаш тармоқлари моддий-техникавий базасининг ҳолати ҳамда уни ривожлантириш ва мустаҳкамлашни жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чоратадбирлар танқидий руҳда таҳлил этилди.

Кенгашда РСФСР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, РСФСР Давлат агросаноат комитетининг раиси Л. Б. Ермин, Қозоғистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари А. П. Рибников, СССР мудофаа саноати министри П. В. Финогенов, Украина ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари, Украина ССР Давлат агросаноат комитетининг раиси Ю. А. Коломиец, шимолий ва ғарбий районлар бўйича СССР қурилиш министри В. И. Решетилов, Тюмень область нон ёпиш саноати бошқармасининг бошлиғи Ю. И. Лесовой, СССР енгил ва озиқ-овқат саноати машинасозлиги ҳамда рўзғор асбоблари министри Л. Б. Васильев, КПСС Марказий Комитетининг секретари В. П. Никонов сўзга чиқдилар.

Нотиқлар бутун диққат-эътиборни ҳал этилмаган проблемаларга, маҳсулотни сақлаш ва қайта ишлаш базаси қолоқлигининг сабабларига, мавжуд қийинчиликларни бартараф этиш йўлларига қаратдилар.

Е. К. Лигачев муҳокамани якунлар экан, ишнинг бу соҳасида марказий ва маҳаллий органлар зўр бериб куч-ғайрат сарфлашлари кераклигини таъкидлади. Озиқ-овқат индустриясини, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш базасини ривожлантиришга амалда энг кўп эътибор бериш лозим. Аввало бу — шу йилги капитал қурилиш планининг бажарилишини таъминлаб ва қолмай, айни вақтда 1986 йилда йўл қўйилган қолоқликнинг ўрнини тўлдириш, деган маънони билдиради. КПСС Марказий Комитети бу талабнинг бажарилишини қаттиққўллик билан назорат қилиб туради.

Ишлаб чиқаришни техника билан қайта қуроллантириш, уни янгилаш — ишнинг жуда муҳим соҳасидир. Аммо бир қанча иттифоқдош республикаларда қайта ишлаш қувватларини техника билан қайта қуроллантириш программалари йўқ, бу иш қайси корхоналарда ўтказилиши, пул билан қандай таъминланиши, қандай машина-ускуналар билан таъминланиши равшан эмас. Хуллас, иш ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Шу муносабат билан Россия Федерацияси, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон Министрлар Советлари, агросаноат комитетлари, партия ва совет органлари шанига танқидий мулоҳазалар айтилди.

Озиқ-овқат индустрияси машинасозлигини ривожлантириш кераклиги алоҳида уқтириб ўтилди. Юксак унумли техника бўлмаса қишлоқ хўжалик ва балиқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш тармоқларида туб бурилишга, янги технологияларни жорий этишга эришиб бўлмайди. СССР саноат министрликларининг, СССР Министрлар Совети машинасозлик бюросининг СССР Давлат агросаноат комитетининг раҳбарлари КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Советининг озиқ-овқат саноати учун дунёдаги энг юксак даражага муносиб машина ва асбоб-ускуналар яратиш ҳамда етказиб бериш юзасидан чиқарган қарорлари ўз вақтида бажарилиши учун тўла-тўкис масъулдирлар.

Е. К. Лигачев бу муаммони ҳал этишдаги мавжуд имкониятлардан иложи борича унумли фойдаланиш зарурлигига маҳаллий органларнинг эътиборини қаратди. Мамлакатда бундай мисоллар бор. Эстония ССРда, Ворошиловград, Свердловск, Москва, Мурманск областлари ва бошқа баъзи областларда озиқ-овқат, балиқ ва бошқа маҳсулотлар тайёрлаш учун қурилмалар ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Озиқ-овқат тайёрлайдиган машина-ускуналар ишлаб чиқаришни саноат корхоналари программасига киритиш ва уларни планли равишда моддий-техника ресурслари билан таъминлаш юзасидан республикаларга, ўлка ва областларга бериб қўйилган ҳуқуқдан тўлароқ фойдаланиш зарур.

Алкоголь ишлаб чиқарадиган корхоналарнинг профилини тезроқ ўзгартириш тўғрисида бу ерда айтилган фикрларга қўшиламан ва уларни қўллаб-қувватлайман. Бу — ҳушёр турмуш тарзини қарор топтириш, жойларда кўпгина муҳим, жуда зарур озиқ-овқат турлари ишлаб чиқаришни тез кўпайтириш имкониятларини рўёбга чиқаришда принципиал масаладир.

Пировардида Е. К. Лигачев қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кучайтириш қишлоқ хўжалик экинлари етиштиришнинг илғор технологияларини кенг қўламда жорий этиш, чорвачиликни юқори сифатли емхашак билан таъминлаш, чорва молларининг сут маҳсулдорлигини ошириш, арзон ёзги ем-хашак билан гўшт ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришнинг ҳамма резервларидан фойдаланиш, ҳосилни йиғиштириб олишга ҳар томонлама тайёргарлик кўриш соҳасидаги энг муҳим вазифаларга тўхталиб ўтди.

КПСС Марказий Комитетининг бўлимларига кенгашда айтилган таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштириш ҳамда уларнинг амалга оширилишини назорат қилиб туриш топширилди.

Партиянинг Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун бошлаган курашида матбуот, телевидение ва радиоэшиттириш актив позицияда турибди. Оммавий ахборот ва пропаганда органларининг бу йўлдаги куч-ғайратларини бўшаштирмаслик, балки ошириш муҳимдир.

Бу йил — алоҳида, юбилей йилидир. Бинобарин, уни —жадаллаштириш, қайта қуриш сиёсатини амалга оширишда, Октябрнинг 70 йиллиги шарафига олинган социалистик мажбуриятларни бажаришда юксак натижалар билан нишонламоқ керак.

(ТАСС).

Узсовпроф пленуми

26 май куни Тошкентда Ўзбекистон Касаба союзлари республика Советининг пленуми бўлди. Унинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленуми ва СССР Касаба союзларининг XVIII съезди қарорлари асосида касаба союз ташкилотларининг ишини қайта қуриш қандай давом этаётганлигини ҳамда бу соҳадаги ишларни янада жадаллаштириш чораларини муҳокама этдилар. Узсовпроф раиси Ҳ. Алимова доклад қилди.

Докладда ва нутқларда қайд этиб ўтилганидек, касаба союзларининг ишини яхшилаш соҳасида қўрилаётган чоралар тўпланиб қолган проблемалар кўлами ва ўткирлигига ҳали мос келмаяпти. Ана шу чора-тадбирларда зарур самарадорлик ва ҳужжумкорлик йўқ. Касаба союзларининг Советлари ва комитетлари республикани социал-иқтисодий ривожлантириш планларини бажаришда касаба союз аъзоларининг меҳнат фаоллигини оширишга қаратилган ташкилотчилик иши тегишли даражада бўлишини таъминламаяптилар. Социалистик мусобақани қайта қуриш секинлик билан олиб борилмоқда, коллектив меҳнатини ташкил қилиш илғор формаларини жорий этиш, саноат корхоналарини, сут-товар фермаларини кўп сменали иш режимига ўтказиш суст амалга оширилмоқда. Бир қанча областларда, айниқса, Қорақалпоғистон АССРда, Қашқадарё ва Фарғона областларида меҳнатни муҳофаза қилиш қониқарсиз ташкил этилган.

Республикада уй-жой қурилишидаги хўжалик усулини ривожлантириш суръатлари етарли эмас. Қишлоқ меҳнатчиларининг маиший шароитларини сезиларли даражада яхшилашга эришилгани йўқ. Республика касаба союз комитетлари министрликлар ва идоралар билан биргаликда умумий таълим ва ҳунар мактабини яна ҳам оператив равишда ислоҳ қилишлари, меҳнаткашларга медицина хизматини яхшилаш масалаларига чуқурроқ эътибор беришлари керак.

Касаба союз органлари ғоявий-тарбиявий, маданий-оммавий ва спорт-соғломлаштириш ишларини такомиллаштиришда қатнашчиларини анча кучайтиришлари зарурлиги таъкидлаб ўтилди. Меҳнаткашларни, айниқса, ёшларни меҳнатсеварлик, ватанпарварлик руҳида, интернационал ва атеистик руҳда тарбиялаш учун касаба союз ташкилотларининг масъулиятини ошириш керак.

Кадрларни танлаш ва жойжойига қўйиш борасида касаба союз комитетларининг олдида жиддий вазифалар турибди. Партиясиз меҳнатчилар касаба союз ишига дуруст жалб этилмаяптилар, резервдагилар билан ишлашни, касаба союз ходимлари ва активларини ўқитишни яхшилаш талаб этилади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин қатнашди.

Пленум қабул қилган қарорда қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда республика барча касаба союз ташкилотларининг ишини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

• *Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари*

ЁЗУВЧИНИНГ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТДАГИ ЎРНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ АДАБИЁТИ КУНЛАРИ 70 1987

САМАРҚАНД, 26 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари Шарқда социализмнинг қарор топиши проблемаларига, тарихий революцион романчиликни ривожлантириш истиқболларига бағишланган назарий конференция билан бошланди. Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги нишонланадиган йилда шу кунларда Москва ва Ленинграддан, РСФСР, Украина, Белоруссия, Қозоғистондан, Ўрта Осиё, Закавказье ва Болтиқ бўйи республикаларидан таниқли сўз усталари ўзбек диёрида тўпландилар.

— Жамиятни революцион янгилаш шароитида кўп миллатли адабиётимиз тажрибасини чуқур таҳлил этиш биз учун муҳимдир, деди конференцияни очиш чоғида СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг секретари Ю. И. Суровцев. — Ҳар бир ёзувчининг ижоди минглаб ришталар билан ўз халқининг тарихий онгига бориб боғланади. Мураккаб тарихий жараёнларни бешафқат ҳаққоний тасвирлаш учун даврлар ўртасидаги тўғри боғлиқликни қандай сезиш мумкин? Ўтмишдан қандай қилиб сабоқ чиқариш керак? Барча республикалардан келган ҳамкасбларимиз шу ҳақда ўйлаб, арзийди. Бугунги масъулиятли вазифаларни дадиллик билан ҳал этиш учун ўтмишни яхшироқ тушуниб олиш керак.

ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Пропаганда бўлими мудирининг ўринбосари Ян Биштига Ўзбекистонда бир ҳафта меҳмон бўлди.

Меҳмон Тошкент шаҳри, Жиззах ва Хоразм областларидаги меҳнат коллективларида, илмий муассасалар ва ўқув юртларида бўлиб, «ПБИП X съезди ва ПХРдаги социал-иқтисодий ўзгартишлар» мавзуида лекциялар ўқиди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. Ҳ. Холмуҳамедов Ян Биштигани қабул қилди.

(ЎзТАГ).

• *Улуғ Октябрнинг 70 йиллигига*

ДАСТЛАБКИ МУВАФФАҚИЯТ

Пилла — давлатга

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилган Қумқўрғон районидаги пиллакорлари дастлабки муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар давлат қабул пунктларига 121 тонна қимматбаҳо хом ашё топшириб, бу борада ўн иккинчи беш йилликнинг иккинчи йили плани муддатидан илгари адо этилгани ҳақида рапорт беришди.

Эришилган муваффақиятга «Қизил Октябрь», «Москва» колхозлари, «Ўзбекистон» ва «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозларининг миришкорлари муносиб ҳисса қўшдилар. Ипак қуртларини намунали парваришлаган «Москва» колхозидан К. Алимова, «Қизил Октябрь» колхозидан О. Шерматова, «ВЛКСМ 30 йиллиги» совхозидан Ш. Норбўтаева, «Ўзбекистон» совхозидан К. Довоновалар бошлиқ звеноларнинг коллективлари ҳар қути қурт уруғидан 95—100 килограммдан «кумуш тола» териб топширдилар.

Ҳали қуртхоналарда пилла кўп. Район пиллакорлари ўз имкониятларини чамалаб, ялпи хирмонни 136 тоннага етказиш мажбуриятини олдиларда, жиддий вазифалар турибди. Партиясиз меҳнатчилар касаба союз ишига дуруст жалб этилмаяптилар, резервдагилар билан ишлашни, касаба союз ходимлари ва активларини ўқитишни яхшилаш талаб этилади.

Пленумда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ташкилий-партиявий ишлар бўлимининг мудири П. В. Догонкин қатнашди.

Пленум қабул қилган қарорда қайд этиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ҳамда республика барча касаба союз ташкилотларининг ишини яхшилаш чора-тадбирлари белгиланди.

(ЎзТАГ).

ҲУРМАТ ТАХТАСИ

Пилла тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарганликлари учун республика Ҳурмат тахтасига ёзиладилар:

Жарқўрғон райони — район партия комитетининг секретари А. А. Норқобилов, район ижроия комитетининг раиси Н. Ф. Турдиев, район комсомол комитетининг секретари А. Норқулов, РАПО раиси Ч. Э. Чўтпўлатов, бош пиллахона директори Э. Ғ. Ғаппоров;

Қарши райони — район партия комитетининг секретари Т. Ҳидиров, район ижроия комитетининг раиси Р. Ж. Жалилов, район комсомол комитетининг секретари К. Лутфиев, РАПО раиси Ё. Турсунов, бош пиллахона директори П. Хўжаёров;

Усмон Юсупов райони — район партия комитетининг секретари З. Қодиров, район ижроия комитетининг раиси А. Омонов, район комсомол комитетининг секретари А. Тўраев, РАПО раиси Т. Сатторов бош пиллахона директори М. Ҳодиев.

КОЛЛЕКТИВ ПУДРАТИ — ИШИМИЗНИНГ ҚУДРАТИ

МУСОБАҚАНИ ҚИЗИТИБ

Нишон районидаги Усмон Юсупов номли совхоз-техникумида Сафар Ҳолбоев бошлиқ оилавий бригада, Қарши районидаги 8-совхозданЛев Николаевич Ким бошлиқ агроучасткалар илғор тажриба мактаби бўлиб қолди. Уларнинг янгича иш методи қўпчиликнинг мулкига айланмоқда.

Ўтган йилдан бошлаб бизнинг совхозда ҳам қатор бригадалар коллектив ва оилавий пудратга ўтиб ишламоқдалар. Ишлаб чиқаришни хўжалик ҳисобида ташкил этиш коллективимизга катта наф келтирди. Оилавий бригадамиз эришган натижалар ҳам қувончли бўлди. Ўтган йили давлатга 54 гектар ердан пландаги 108 тонна ўрнига 157,5 тонна пахта етказиб бериб, топшириқни 145,8 процентга бажардик. Бу 115 минг сўмлик юқори сифатли маҳсулот, демакдир. Оилавий бригадамизга ўюшган 10 нафар кишига йил давомида маош сифатида 20 минг 700 сўм маблағ берилган эди. Йил якунига кўра 17 минг 400 сўм қўшимча иш ҳақи олдик. Киши бошига ўртача ойлик маош — 350-400 сўмдан тўғри келяпти. Механизатор ўғлим — Саид, суввчи — Ҳайитнинг ўртача ойлик иш ҳақи 450-500 сўмдан тушди.

Ҳамкасбим Чори Бердиев бошлиқ оилавий бригада аъзолари ҳам ўтган йили давлатга 80 тонна ўрнига 130 тонна пахта, ёки 122 минг 800 сўмлик маҳсулот сотишди. Шундан оилавий бригадага 40 минг 521 сўми тегди.

Планни уддалай олмайдиган пудратчи коллективлар ҳам бор. Тўғри, баъзан нобоп ер тушади, техника, сув ва минерал ўғитдан етарли ёрдам қилинмайди. Натижада ўсимлик кўнгилдагидек ривож топмай, ҳосили паст бўлади. Шунинг учун ҳам хўжалик раҳбарлари шартнома асосида пудратчи коллективларга амалий ёрдам бермоқлари, мутахассисларни жалб этмоқлари лозим.

Ўз-ўзидан равшанки, икки томонлама ҳамкорлик бўлса пудратдан хўжалик ҳам, одамлар ҳам фақат наф кўради. Шунинг учун ҳам бу йил ҳамма бригада ва звеноларнинг пудрат усулига ўтиб ишламоқдалар. Уларнинг 23 таси оилавий бригада ва звенодир. Совхоз дирекцияси ва партия ташкилоти дала ишларини агротехника талаблари асосида ташкил этишга яқиндан туриб ёрдам бермоқдалар. Техника, минерал ўғит, сув ва ишчи кучи етарли.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 70 йиллик юбилейи нишонланадиган йилда совхозимиз 3 минг 800 гектар, бригадамиз 54 гектар ерда пахта етиштиради. Белгиланган майдонга ўз вақтида барака уруғи қадаб, уни бир текис ундириб олишга эришдик. Энди вазифа — туп сонларини тўлиқ сақлаган ҳолда, уни яхшилаб парвариш қилиш ва кўзланган миқдорда, яъни гектар бошига 30 центнердан ҳосил етиштиришдан иборат.

Н. ҚАЮМОВА.
Баҳористон районидаги Сулаймон Муродов номли совхоз бригадири.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари депутат В. П. Анишчев нутқи

Ўртоқлар!

Ҳамма форма ва кўринишлардаги контролнинг йўлга қўйилиши ҳамиша партия билан давлат ишининг мажбурий принципи бўлиб келган.

В. И. Ленин Совет ҳокимиятининг дастлабки қадамларидан бошлаб контролни такомиллаштиришга доимо эътибор берди, янги жамият қурилишида унинг муҳим ролини таъкидлади. В. И. Ленин одамларни текшириш ва ҳақиқий ишни текшириш орқали бюрократизм ва сансалорликка қарши шафқатсиз курашишга, штатларни қисқартиришга, бошқарув ишини жиддий ўрганмаётган, топширилган ишни бажармаётган, турғунликка, эскиликка ва қолоқликка қарши курашмаётган ходимларни алмаштиришга чақирган эди. Ҳозир, қайта қуриш шароитида бу вазифаларнинг актуаллиги беқиёс ошмоқда.

Ишлаб чиқариш ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларида контролни ниҳоятда кучайтириш, жуда қаттиқ интизом ва тартиб учун курашга меҳнаткашларнинг энг кенг оммасини жалб қилиш бизнинг республикамиз учун ғоят муҳим ва айниқса актуалдир. Кейинги йилларда Ўзбекистонда ўғирлик, қўшиб ёзиш, порахўрлик, давлатни ва аҳолини алдаш сингари иллатлар хатарли равишда ёйилиб кетганлиги ҳақида неча марталаб гапирилди. Шу салбий ҳодисаларни таг-туби билан қўпориб ташлаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш зарурлиги Ўзбекистон ССР Олий Советининг ушбу сессиясида ҳам неча марталаб таъкидланди.

Тартиб ўрнатиш учун жуда ўткир курашда халқ контроли муҳим, айтиш мумкинки, ҳал қилувчи роль ўйнайди. Ҳозир бу — таъсирчан куч, таъбир жоиз бўлса, турмушимизни ҳар қандай маразлар ва касофатлардан, социалистик тузумимизни кемириб, уни ўмариб келаётган кимсалардан тозалайдиган қучдир. Айни вақтда бу — кенг меҳнаткашлар оммасини жамоат ишларини бошқаришга жалб этишнинг, инсон омилини қучайтиришнинг самарали усулидир. Халқ контроли комитетлари, группалари ва постларининг 450 минг аъзоси — жуда катта армиядир, меҳнаткашларнинг хўжалик механизми фаолиятини ҳамда турмушимиз ва фаолиятимиз бошқа жиҳатларини назорат қилиши лозим бўлган энг оммавий жамоат ташкилотларидан биридир.

Бироқ бу назорат иши революцион ўзгартиш вазифаларини муваффақиятли ҳал этиш учун жиплашган, пухта ташкил этилган, чинакам жанговар бўлиши керак. Ҳозир айни шу фазилатлар унга етишмаётганини қайд этишга тўғри келади. Бу соҳада ҳам қайта қуриш, жиддий равишда қайта қуриш лозимлигини таъкидлаб ўтиш ўринлидир.

Яширишнинг ҳожати йўқ, республикада ҳукм сурган чиркин турғунлик, бепарволик, йўл қўйиб берим, шунингдек кадрларнинг бузилиши ва айниши иллатлари контрол органларига, шу жумладан республика контрол органларига ҳам таъсир қилган эди. Узоқ вақт Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раисининг биринчи ўринбосари лавозимида ким бўлгани эсингиздами? Турли-туман жиноятлар қилган разил шахс Ҳ. Яҳёев шу лавозимда эди. Олтиариқ район халқ контроли комитетининг раиси Маматов тамагир ва порахўр экани аниқланди. Суд уни саккиз йил муддат билан озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилди. Чиноз район халқ контроли комитетининг раиси Йўлдошев хизмат мавқеидан фойдаланиб, машина олиш ва сотиш найранглари билан шуғулланиб келди.

Бундай фактлар кўп. Кейинги икки йилнинг ўзидагина халқ контролининг 17 масъул ходими, шу жумладандан 8 нафар юқори лавозимли шахс салбий сабаблар билан ишдан олинди. Бу кишилар илгари кўпинча айрим раҳбарларнинг қўлида, очиғини айтганда танқид учун ўч олиш, қувғин қилиш, баъзан эса ишга садоқатли партия аъзоларини тўғридантўғри жазолаш қуроли бўлиб келган эдилар. Модомики шундай экан, уларнинг қўл остидаги ходимлар ҳам жойларда рўй бераётган жиддий камчиликларни, катта қалбакиликларни пайқамаганликларига ажабланиб бўладими, ахир. Уларнинг бир қисми товламачилар билан тил бириктириб олган, ўз мавқеидан фойдаланиб, шахсан манфаат кўрарди. Масалан, Бувайда район халқ контроли комитетининг инспектори Мамасиддиқов давлат маблағларини ўзлаштириш билан, Сурхондарё область халқ контроли комитетининг инспектори Эшқувватов хизмат мавқеини суиистеъмол қилиш билан шуғулланишарди.

Энди биз: булар кечагикунининг воқеалари, деб айтяпмиз. Ашаддий товламачилар ва қаллоблар асосан барча органлардан ҳайдаб юборилди, уларнинг кўплари муносиб жазо олди. Аммо бу етарли эмас. Ҳозир сусткашлик, беғамлик, расмиятчилик, бепарволик қайта кориш ишига халақит бераётган катта тўсиқ бўлиб турибди, Ҳозир янги ёндашувлар, янгича ҳужумкор ва муросасиз усуллар ,бинобарин, янги кучлар ҳам керак. Ҳолбуки, халқ контролининг иш формаларини янгилаш, тубдан такомиллаштириш жараёнлари ҳаддан ташқари секинлик билан бормоқда. Республика комитетининг ўзидаги ходимларнинг бешдан бир қисми 15—20 йилдан кўпроқ вақтдан бери ишлаб келмоқда, ҳар икки ходимнинг бири 50—60 ёшдан ошган кишилардир. Уларнинг баъзилари муаммоларга ўткир зеҳн билан баҳо бера олмайдиган бўлиб қолганлар, эскичасига иш тутмоқдалар, вазифаларнинг янгилигини сезмаяптилар. Улар вазиятга кўникиб қолганлар, қайта қуришга мослашишга уринмоқдалар, муросасозлик қарорлари чиқаришга мойилдирлар. Бугун мана шу масалани муҳокама қилиш пайтида: ўртоқ В. А. Хайдуров мана шундай шароитда ишни ҳозирги кун талаблари даражасида ташкил этишни уддалай олармикан, деган фикр хаёлга келмоқда.

Бу ўринда гап ишни шунчаки бироз яхшилаш ҳақидагина эмас, балки назорат қилувчи мана шу органларнинг вазифалари ва функцияларини янгича тушуниш, янги кўз билан кўриш тўғрисида бормоқда. Халқ контроли — камчиликларни очиб ташлаш билангина чекланмасдан, уларни тугатиш учун конкрет амалий чоралар ҳам кўриши керак бўлган органдир. Асосий вазифа хўжалик практикасида ўғрилик, қўшиб ёзиш, бракка ва бошқа салбий ҳодисаларга олиб борадиган туйнукларни тақатақ беркитиб қўйишдан иборат.

Республика контрол органларида, бизнинг назаримизда нотўғри бир услуб сақланиб келмоқда. Улар гўё бироз қаттиққўлроқ бўлиб қолишди ва ўз ишларини гўё қайта қурдик, деб ҳисоблашмоқда. Аммо гап айбдорлардан жавоб талаб қилишга, олдини олувчи кескин ҳаракатлар қилишга келганда, кўпинча оғиш ҳоллари, масъулиятни бошқаларнинг зиммасига юклаш ҳоллари содир бўлмоқда. Таъбир жоиз бўлса, айбдорларни енгил-елпи қитиқлаб қўйишдан нарига ўтилмаяпти.

«Бизнинг ишимиз хабардор қилиш, сизларнинг ишингиз ҳал этиш» деган психология, жумладан, шунда ҳам намоён бўлмоқдаки, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг ўзига республика Халқ контроли комитетидан 1986 йил бошидан буён 50 та турли хат тушди. Бу хатларнинг ҳаммаси кўрилган чоралар ҳақида эмас, балки асосан ишларнинг аҳволи тўғрисида эди. Фикримни тўғри тушунинглар, сигнал бериш ҳам керакли иш. Бу — катта вазифа, биз унинг аҳамиятини асло камситмоқчи эмасмиз, бироқ айни вақтда ҳозир сигналларгина керак эмас. Ҳамма жойда конкрет чоралар кўрилиши лозим, мана шундай чораларни кўриш иштиёқидаги кишилар эса оз.

В. А. Хайдуровнинг докладида болалар муассасалари озиқ-овқат маҳсулотлари билан қониқарсиз таъминланаётганини кўрсатувчи хунук фактлар айтиб ўтилди. Сурхондарё, Жиззах, Андижон областларидаги раҳбарлар бу соҳада айниқса «ўрнак» кўрсатмоқдалар. Аммо шу областлардаги халқ назоратчилари хўжаликлардаги амакилар ва холалар ўз эҳтиёжлари учун белгиланган нормадан бир ярим — икки баравар ва ундан ҳам кўпроқ гўшт ишлатаётганликларини кўрмаяптиларми? Улар оғизда болаларга ғамхўрлик қиладилар, фарзандлар ҳақида тўлиб-тошиб, раҳмдил сўзлар айтадилар, энг яхши маҳсулотларни эса ўзлари истеъмол қиладилар.

Назоратчилар бундай ножўя ишларга чек қўйишга кучлари етмайдими? Бир нарсани эсда тутиш керак, ўртоқлар: халқ контроли органлари «юпатувчи» чоратадбирлар билан нақадар кўпроқ кифоялансалар, баъзи хўжалик раҳбарларининг қуюшқондан чиқиши ва мунофиқлиги шу қадар чуқур илдиз отаверади.

Бир мисол келтираман. Ўзбекистон ССР Балиқ хўжалиги давлат комитетининг иши Комитет мажлисида бир неча бор муҳокама қилинди. Навбатдаги текширишдан кейин капитал маблағдан фойдаланишдаги жуда кўпол ножўя ишлар учун капитал қурилиш бошқармасининг бошлиғи Ким ишдан четлаштирилди. Аммо Комитет ўз қарорининг бажарилишини кузатиб бормади. Иш жойида Кимни бироз койиб қўйишди, ҳозир у ўша бошқарманинг ўзида бошлиқнинг ўринбосари бўлиб турибди. Ишнинг аҳволи эса ўша-ўша — ҳаддан ташқари ёмон. Сув омборларимиз шу қадар кўп бўлишига қарамай, аҳолини хилма-хил балиқ маҳсулоти билан таъминлай олмаяпмиз.

Хўжасизлик, суиистеъмол, ўғирлик ва шу каби салбий ҳодисалар бирданига пайдо бўлмайди. Улар икир-чикир ножўя ишлардан бошланади, бунинг учун қулай шароит бўлганда эса, аста-секин катталаша боради. Мана шу ўринда халқ назоратчисининг ўткир кўзи керак. Кўпгина нуқсонларимиз ва ўпиришларимиз назоратсизлик билан изоҳланади. Ҳозир бундай ишлашга ҳақкимиз йўқ.

Биз кўпгина эски иллатларни ҳеч тугата олмаяпмиз. Республикада порахўрлик ҳали ҳам авж олиб турибди. Иш ҳатто шунга етиб бормоқдаки, мактаб ўқувчиларидан яхши баҳо учун пора олинмоқда. Автопарклларда янги машиналар учун, дарвозадан кириш ва чиқиш учун, запас қисмлар учун, машинани яхши жойга қўйиш учун пул сўралмоқда. Шу заминда Гулистон шаҳридаги хўжаликлардан бирида такси шофёри яқинда директорни кабинетида ўлдирди. Январь — апрель ойларида ўтказилган текширишлар Қорақалпоғистон АССРда ва республиканинг барча областларида қўшиб ёзиш ва давлатни алдаш ҳолларини аниқлади.

Қўйидаги маълумотлар аҳволнинг тахликали эканидан далолат беради. Гўё план бажарилган, деб кўрсатиш мақсадида ҳисобот маълумотларини қасддан сохталаштириш фактларининг салмоғи Қорақалпоғистонда қарийб 33 процентни, Жиззах областида 31, Самарқанд областида 27, Бухоро областида 22, Андижон областида 18 процентни ташкил этади. Кўпгина саноат, транспорт, қурилиш ташкилотларида қўшиб ёзиш иллати, мана шу хунук иллат томир ёйган. Раҳбарлар қуриб битказилмаган уй-жой бинолари, поликлиникалар, болалар боғчаларини битган, деб ҳисоб берадилар, тайёрланмаган ем-хашакни тайёрланди, деб маълумот юборадилар, бунинг учун мукофот оладилар. Баъзи хўжаликларда гўштга топшириладиган қорамолнинг вазни 130 килограммдан ошмайди. Агар биз кўзбўямачилик, қўшиб ёзиш каби иллатларга қарши чинакам курашмасак, улар шу йўсинда ривожланаверади, биз бу шармандали доғни ювa олмаймиз.

Баъзи жойларда бундай қилишга интилмаяптилар, деган таассурот туғилмоқда. Яқинда мен Андижон областида область партия комитетининг пленумини тайёрлаш ва ўтказишда қатнашдим. Бу йил 27 та ташкилотда қўшиб ёзишга йўл қўйилганини, область халқ контроли комитети билан область партия комитети атиги тўрт раҳбарни жазолаганликларини билдим.

Агар мана шу муаммоларнинг илдизига назар ташланса, асосий сабабни кўриш мумкин, бу — назоратсизлик ва масъулиятсизликдир. Ҳалиги автобазаларда кўпгина халқ контроли постлари тузилган. Улар нима билан шуғулланишяпти? Автомобиль транспорти министрлиги корхоналарида бир неча бор турли текширишлар ўтказилди. Охирги текшириш яқиндагина тугалланди. Яна ножўя ишлар аниқланди, агар ишга юқорида мен айтиб ўтган қабилдаги ёндашув давом этаверадиган бўлса, тартиб ўрнатилишига ишонч йўқ. Келинглар, назоратчилар ишини янгича ташкил этиб кўрайлик. Шундай бўлсин: назоратчилар келиб кетган жойларда назоратсизлик учун асло тирқиш қолмаслиги керак.

Шу муносабат билан Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларида таърифлаб берилган контролнинг асосий принципини эслатиб ўтмоқчиман: ҳақиқий текшириш белгиланган тадбирларнинг ижросини ташкил этиш билан қўшиб юборилади, бу иш қарор қабул этилиши биланоқ дарҳол амалга оширилади.

Бугун идоравий контрол ҳақида ҳам гапирмоқ керак. Халқ контролига бу ташкилотларнинг ишини текшириш конституцион ҳуқуқи берилган, аммо бу ҳуқуқдан фойдаланмаяпти. Идоравий назоратчилар эса яхши ном чиқарган эмаслар, уларнинг кўп ойлаб, кўп марталаб 10—15 карра ўтказган. Аммо бефойда текшириш ва ревизияларидан кейин битта малакали текшириш ўтказиладиган бўлса — мутлақо акс манзара аниқланади.

Ғалла маҳсулотлари системасининг идоравий назорати қандай қарорлар қабул қилаётганлиги ва шу қарорларнинг бажарилишига қандай интилаётганлиги хусусида биз мана шу бош бошқарманинг корхоналари бутун технологияси яқинда текшириб кўрилган пайтда ишонч ҳосил қилдик. Неча йиллардан буён ёзилаётган актларда айни бир хил мулоҳазалар баён этилади, уларга ҳеч ким эътибор бермайди. Айни вақтда кўп миқдордаги ун нобуд бўлмоқда. Мен нон заводларида бўлганимда буни ўз кўзим билан кўрдим. Очиғини айта қолай, ҳақиқий манзарани тасвирлаш учун ибора ҳам, сўз ҳам топиб бўлмайди. Ҳозир кескин чоралар кўрилмоқда, барча айбдорларнинг адаби бериб қўйилди. Аммо шошмашошарликсиз — мунтазам, доимий равишда тартиб ўрнатса бўлмайдими, бундай қилиш мумкин ва лозим.

Бугун сўзга чиққан ўртоқлар республикада контрол ишининг ташкил этилишидаги турли салбий жиҳатларни етарли равишда ойдинлаштириб бердилар, деб ўйлайман. Бу эса республика Олий Совети Президиуми ушбу сессия муҳокамасига бу масалани ўз вақтида ва тўғри киритганлигидан далолат беради.

Халқ назоратчилари олдида жуда катта вазифалар турибди, уларнинг зиммасидаги масъулият улкан, уларнинг фаолиятида камчиликлар кўп. Партия, совет органлари уларнинг кундалик фаолияти билан чуқурроқ шуғулланишлари, уларга аниқ йўл-йўриқ бериб туришлари, уларни кўпроқ қўллаб-қувватлашлари керак. Халқ назоратчиларининг сигналлари юзасидан партия комитетлари ва ташкилотлари ҳам, шунингдек барча давлат, хўжалик органлари, жамоат ташкилотлари ҳам жуда қатъий ва таъсирчан чоралар кўришларига эришиш принципиал жиҳатдан муҳимдир.

Биз халқ контроли органларини қанчалик таниқид қилмайлик, ҳақиқий партиявий мадад бўлмаса, маҳаллий Советлар уларга умумхалқ мададини бермаса, улар ўз ишининг савиясини кўтара олмайдилар.

Сўзимнинг охирида баъзи партия, совет ва хўжалик органлари халқ назоратчиларининг сигналларига қандай муносабатда бўлаётганликларини кўрсатувчи бир неча мисолни айтиб бермоқчиман. Республика газеталаридан бирида босилган «Ўгай болалар» мақоласида область болалар муассасаларида нақадар хунук ишлар содир бўлаётганлиги тасвирланган эди. Область халқ контроли комитети шу хунук воқеаларни текширишдан ўзини четга олди. Мақола босилиб чиққач, ундаги фактлар юзасидан баъзи бир чоралар кўрилди, область халқ контроли комитети эса газетанинг сигналига эътибор бермади. Область ва шаҳар партия комитетлари дом-мим демади. Ана шундай менсимаслик ҳоллари рўй бермоқда. Танқид қилаберинглар, ўртоқлар, биз ўз ишимизни давом эттираверамиз, қабилида иш тутилмоқда.

«Правда Востока» газетасида «Баҳритошликни оқлаб бўлмайди» сарлавҳали мақола босилган, унда болалар уйларидаги бемаъниликлар очиб ташланган эди. «Бу уй ачинарли таассурот қолдиради, — деб ёзган эди газета шундай болалар уйларидан бири ҳақида. — Деразаларнинг ойнаси йўқ, сувоқлар кўчиб тушай, деб турибди, санитария-техника ускуналари ишламайди...» Бошқа болалар уйларида ҳам тартибсизликлар борлиги айтилганлиги учун шу мақолани эслатяпман. Аммо Бухоро, Қўқон, Марғилон шаҳар партия комитетлари ва шаҳар ижроия комитетлари мақолани эътиборсиз қолдирдилар, редакцияга жавоб юборишни ҳам лозим кўрмадилар. Болалар уйларидаги, интернат-мактаблардаги камчиликлар, хўжасизликлар, уларнинг коллективларига бепарво муносабат фактлари ҳали ҳам узил-кесил тугатилгани йўқ. Мана шу шаҳар партия комитетларининг исталган секретарини ҳозир ўрнидан турғизиб сўрасангиз, болаларга нақадар меҳри товланиб турганини илҳомланиб гапириши мумкин, амалда эса бунинг тескариси рўй бермоқда.

Бу ерда Тошкент шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ҳ. Камолов тўғри гапни айтди. У 1987 йил 13 февраль куни босилган «Раис суд қилинди» сарлавҳали мақолани эсга олди. Дарҳақиқат, Иван Петрович Кужим Тошкент аэропортида ички ишлар линия бўлими жиноий қидирув бўлимининг катта инспектори бўлиб ишлар эди, у ножўя ишларга қарши кураш бошлаши биланоқ унинг ўзини судга бердилар. Аммо уни судга берганларга нотўғри иш қилганликлари айтилганида, улар чекингандай бўлишди ва белгиланган тартибда, ҳар ким ўз қилмишига яраша жавоб берди — адолат қарор топгандек бўлди, аммо Ҳожиакбар Камоловичга эътироз билдирмоқчиман: масала ҳозиргача ҳал бўлмай қолди. И. П. Кужим ҳали ҳам аввалги лавозимига тикланган йўқ. Ҳозир у аввалги лавозимида эмас, жиноий қидирув бўлимининг оператив вакили бўлиб ишлаяпти. Мана шундай, қандай қилиб бўлмасин ўз айтганларини қилишди, «аҳволинг нима бўлишини кўриб қўй!» дегандек бўлишди.

14 март куни «Правда Востока» газетасида «Ҳаводан тайёрланган қовурдоқ» сарлавҳали мақола эълон қилинди. Унда Давлат агросаноат комитетининг гўшт комбинатларидаги ножўя ишлар тасвирланган эди. Яқинда Самарқанд гўшт комбинатида сездирмай суратга олинган фильм Марказий Комитетда бизга кўрсатилди. У ерда ҳар куни 5 тоннагача гўшт талон-торож қилинади, ҳамма, шу жумладан директор ҳам ўғирлайди; автомобилларнинг юк хонасига 40—50 килограммдан гўшт маҳсулотлари жойлаб қўйилади. Давлат Агросаноат комитети бу ишни суриштириб охиригача етган, деб ўйларсиз. Давлат агросаноат комитети раисининг ўринбосари Ўртоқ Антонов хўжакўрсин учун қуруқ хат ёзиб юборди, унда «иш даражаси кўтарилди», «иш қучайтирилди», деган иборалар бор. Аммо бирон кимсага нисбатан ҳеч қандай чора кўрилмади. Очиғини айтганда, бу контрол органларига нисбатан очиқдан очиқ ҳурматсизликдир.

Афсуски, бундай сигналлар кўп. Бухоро шаҳар халқ контроли комитети инспекторининг «Бир ўриндан иккинчисига» сарлавҳали хабарида айтилишича, лаборатория мудири Иброҳимова паста холидаги томат стандартларга мувофиқ эмаслиги ва уни истеъмолчиларга сотиб бўлмаслиги тўғрисида Бухоро консерва заводининг директори Бобомуродовни хабардор қилган эди. Бобомуродов эса «сизнинг хулосаларингиз билан истеъмолчининг нима иши бор» деган ва икки вагон маҳсулотни истеъмолчиларга юборган. Таркибидаги қуритилган моддалар нормадан камроқ бўлган мана шу томат Донецкда брак қилинган. Иккита вагон Бухорога қайтирилди, болаларга нақадар меҳри товланиб турганини ҳисобга олсангиз, бу ишнинг тескариси рўй бермоқда.

Халқ контроли комитетининг раиси Ҳ. Камолов тўғри гапирди, аммо корхона раҳбари ҳеч қандай чора кўрмаган. Хўш, шундан кейин қандай чора кўрилди? Бобомуродов ўз аризасига биноан лавозимидан бўшатилди ва энг қизиғи шуки, Бухоро ёг-экстракция заводига директор қилиб ўтказилди.

Тўғри, бу мақола Бухоро шаҳар партия комитетининг кенгашида бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари иштирокида муҳокама қилинди. Аммо ҳамма гап мақоладаги баъзи ноаниқликларга эътиборни кучайтиришдан ва Бобомуродовнинг юксак ташкилотчилик қобилятларини таъкидлашдан иборат бўлди. Область партия комитетининг вакиллари Бухоро ёг заводига бориб, коллектив билан суҳбатлашдилар. Янги директор ҳақида яхши фикрлар айтилди, завод қолоқликдан чиқиб, фойда ола бошлаганлиги таъкидланди. 14 апрель куни Бухоро шаҳар партия комитети Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетига хат юбориб, Бобомуродовни директор лавозимида қолдириш мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида ўз фикрини билдирди. Давлат агросаноат комитети бунга кўшилди. Мақолада эса мана шу раҳбар неча марта бир ўриндан иккинчи ўринга олиб қўйилганлиги, аммо бирон жойда ҳеч қандай хизмат кўрсатгани маълум эмаслиги ҳикоя қилинган эди. Марказий Комитет бюросининг топширувига биноан шуни айтмоқчиманки, агар ўртоқлар бу жиҳатларни тузукроқ суриштириб охирига етмасалар, биз халқ контролининг танқидига улар қандай назар билан қараётганликлари масаласини бюрода кўриб чиқишга мажбур бўламиз. Халқ назоратчилари билан бирга депутатлар бундай ёндашувни маъқуллайдилар, деб ўйлайман.

Назоратнинг самарадорлигини ошириш ишларида халқ контроли органларининг фаолиятини депутатлик комиссиялари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ва бошқа органлар фаолияти билан мувофиқлаштириб олиб бориш зарур.

Энг муҳими эса, назорат органлари ўзларининг бутун фаолиятида омманинг ошиб бораётган ташаббуси, кучғайрати ва активлигига таянишлари лозим. Бутун мамлакат ва жумладан, республика меҳнаткашлари партиянинг қайта қуриш йўлини, XXVII съезднинг ва КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг ошкоралиги ҳамда демократиялашни ривожлантириш хусусидаги қарорларини астойдил қўллаб-қувватламоқдалар. Октябрь 70 йиллигига завқ-шавқ билан тайёргарлик кўрилмоқда. Мана шу ғайрат-шижоатдан фойдаланиш, уни интизом, тартиб, уюшқоқликни мустаҳкамлашга қаратиш, ҳақиқий жадаллаштиришни таъминлаш — ҳаммамизнинг вазифамиздир. Сиз билан биз шу вазифа муваффақиятли ҳал этилишини биргаликдаги кучғайратлар билан таъминлаймиз, деб ишонч билдиришга рухсат этгайсизлар.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети раиси Ўртоқ В. А. Хайдуровнинг комитет фаолияти тўғрисидаги докладини эшитиб ва муҳокама қилиб, Ўзбекистон ССР Олий Совети шуни қайд этадики, республика Халқ контроли комитети партия XXVII съезди ҳамда КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми талабларига мувофиқ партия директивалари, совет қонунлари, ҳукумат қарорлари қандай ижро этилаётганлигини текшириш соҳасидаги ўз ваколатларидан янада самаралироқ фойдаланадиган бўлиб қолди, маҳаллий халқ контроли органларининг шу соҳадаги фаолиятига раҳбарликни бирмунча яхшилади.

Халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари ўз фаолиятини қайта қурмоқдалар, куч ва ғайратларини социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш ва жамиятни янгилашнинг асосий йўналишларига сафарбар этмоқдалар, хўжалик ҳаётининг ҳамма томонларига муайян таъсир кўрсатмоқдалар, интизом ва тартибни мустаҳкамлашга, иқтисод ва тежамкорлик режимини кучайтиришга, социалистик мулкни сақлаш ва социал адолат принципларига риоя қилишга ёрдам бериб келмоқдалар.

Корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда ишлаб турган халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари составида ўз ижтимоий бурчини ҳалол бажараётган ишчилар, колхозчилар ва мутахассислар сони ортиб бормоқда. Комплекс ва мукобил текширишлар миқдори ҳам кўпаймоқда. Ишда жамоат таъсири кўрсатиш ва ошкоравийлик чораларидан яхшироқ фойдаланилмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ССР Олий Совети ҳайдаги, республика Халқ контроли комитети, унинг жойлардаги органлари ўз ишларини КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми, СССР Олий Совети ва «СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида»ги қарори талаблари асосида ҳали секинлик билан қайта қурмоқдалар, ўз фаолиятларини бугунги кун талаблари билан суст боғлаб бормоқдалар. Кўпинча халқ контроли комитетлари, группалари ва постлари фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини ўстириш, шартнома интизомига риоя этиш, чиқарилаётган маҳсулотлар ва қилинаётган ишлар сифатини ошириш масалаларини диққат-эътибордан четда қолдирмоқдалар. Қўшиб ёзиш ва кўзбўямачиликка, хўжасизлик, исрофгарчилик, бюрократизм ва сансалорликка қарши етарли кураш олиб борилмаётир. Берилаётган жазо чоралари ҳамиша ҳам давлатга етказилган зарарга яраша бўлмаётир. Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига кам эътибор берилмоқда.

Комитет ва группалар СССРда Халқ контроли тўғрисидаги Қонун билан ўзларига бериб қўйилган ҳуқуқлардан тўла-тўкис фойдаланмаётирлар, халқ хўжалигининг қолоқ участкаларидаги иш аҳволини ҳамиша ҳам чуқур ўрганмайдилар, аксари ҳолларда юзаки текширувлар билан, ишдаги хато ва нуқсонларни қайд этиш билан кифояланиб қолмоқдалар. Мавжуд камчиликларнинг сабаблари пухта анализ қилинмайди, текширув якунларидан баъзида зарур хулосалар чиқариб олинмайди, ишнинг аҳволини яхшилаш учун амалий таклифлар камдан-кам киритилади. Комитетлар идоравий контролни яхшилашга етарли таъсир кўрсатмаётирлар.

Кўпгина халқ контроли комитетлари ва группалари ишда ташаббускорлик кўрсатмаяпти, Совет ва профсоюз комитетлари, комсомол ташкилотлари, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан биргаликда камдан-кам текширув ўтказмоқдалар, текширув якунлари кўпинча меҳнат коллективларида муҳокама этилмайди. Улар мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига ҳамиша ҳам принципиал баҳо бераётирлар деб бўлмайди. Мансабдор шахслар гражданларнинг таклифлари, ариза ва шикоятларини кўриб чиқиш тартибига қандай риоя қилаётганликлари устидан тегишли контрол ўрнатилмаган, меҳнаткашларнинг хатларига расмий-бюрократларча муносабатда бўлиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Халқ депутатлари Советлари халқ контроли органларига етарли раҳбарлик қилмаётирлар, уларнинг нормал ишлаши учун зарур шароитлар яратиб бериш мақсадида кам амалий ёрдам кўрсатмоқдалар.

Республика Халқ контроли комитети маҳаллий органлар ишини етарлича йўналтириб бормаётир, контрол фаолиятининг ижобий тажрибасини яхши ўрганмаётир ва умумлаштирмаётир, мазкур органларни айниқса ўзбек тилидаги адабиётлар ва қўлланмалар билан мунтазам таъминлаб турмайди, халқ контроли группалари ва постлари фаоллигини ошириш, уларнинг ташаббусини ривожлантириш учун ҳамма имкониятлардан яхши фойдаланмаётир.

Ана шуларнинг ҳаммаси контролнинг оммавийлиги ва таъсирчанлигини сусайтирмоқда, текширишлар, камчиликларнинг олдини олиш ва уларни йўқотишда бирлик бўлишини тўла-тўкис таъминлаш имкониятини бермаётир.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети ва унинг жойлардаги органлари эътиборини КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми қарорларига ҳамда СССР Олий Советининг СССР Халқ контроли комитети ҳисоботи юзасидан чиқарган қарорига амал қилиб, шунингдек ўз фаолиятини қайта қуриб, контрол қилиш ишларининг услуби, форма ва методларини оғишмай такомиллаштириб бориш, партия директивалари, совет қонунлари ва ҳукумат қарорлари амалда бажарилишини текшириш самарадорлиги ва натижадорлигини ошириш вазифаси юклатилсин.

Республикани иқтисодий ва социал ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини амалга оширишда актив қатнашиш, совет қонунлари, давлат, план ва шартнома интизоми бузилишининг, хўжасизлик ва исрофгарчиликнинг, хизмат мавқеини суиистеъмол қилишнинг ҳамда бошқа салбий ҳодисаларнинг олдини олиш, текширув жараёнида ҳам, текшириш якунларини чиқариш вақтида ҳам аниқланган камчиликларни йўқотиш, айниқса социал соҳада тартиб ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш халқ контроли органлари ишининг энг асосий жиҳатлари деб ҳисоблансин.

(Давоми учинчи бетда).

ТЎПЛАМ ВЕНГЕР ТИЛИДА ЧИҚАРИЛДИ

БУДАПЕШТ, 25 май. (ТАСС). «Кошут» сиёсий адабиёт нашриёти КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Урушларсиз ва қуролярогларсиз дунё учун» нутқлар тўпламини венгер тилида чиқарди. Тўпламга 1985 йилнинг март ойидан 1987 йилнинг февраль ойигача бўлган даврга оид материаллар киритилган бўлиб, уларда КПСС ва Совет давлатининг ташқи сиёсий йўли, ядросиз дунё яратиш, халқлар ўртасида ишончли мустаҳкамлашга қаратилган амалий ташаббуслар ўз аксини топган. Ҳужжатлар орасида КПСС Марказий Комитетининг партия XXVII съездига Сиёсий докладининг ташқи сиёсатга оид бўлимлари, ВХРга қилинган визит вақтида Чепель станоксозлик заводида, Рейкьявикдаги матбуот конференциясида сўзланган нутқлар, бошқа ҳужжатлар бор.

Венгрия оммавий ахборот воситалари тўплам чиққанлиги ҳақида хабар бериб, китобда КПСС ва Совет давлати халқаро фаолиятининг кенг манзараси берилганлигини, совет халқининг тинчликсеварлиги, планетанинг эртанги тинч кунни учун Ленин партияси олиб бораётган тинимсиз кураш шу фаолиятнинг марказида турганлигини таъкидламоқдалар.

Болгария грампластинкаси декадаси

Тошкент грампластинкалар уйида болгар оҳанглари ҳеч қачон бунчалик кўп янграмаган эди. 25 май куни бу ерда Болгария грампластинкаси декадаси очилди. Бу тадбирни «Мелодия» Бутуниттифоқ фирмаси билан «Балкантон» грампластинка фирмаси СССР ва БХР ўртасидаги маданий ҳамкорлик доирасида уюштирди.

— Совет Иттифоқи ҳамиша бизнинг чет эллик асосий шеригимиз бўлган, — деди декада очилишида «Балкантон» фирмаси бош директорининг ўринбосари Надежда Заркова. — Бу сафар биз Тошкентга ўттиз мингтадан кўп диск олиб келдик. Бундай алоқалар йил сайин мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Биз ҳам ўз навбатида тингловчиларимизни СССР халқлари, жумладан ўзбек халқ музикаси билан яна ҳам кенгроқ таништириш ниятидамиз.

Савдо виставкаси ўтказилаётган магазин витриналарига турли жанрдаги дисклар қўйилган. Болгария симфоник оркестри ижро этган классик асарлар, халқ музикаси пластинкалари бу ерда жуда кўп. Эстрада оҳанглари ёзилган дисклар катта ўрин эгаллайди.

(ЎзТАГ).

Область Советининг сессияси

ТЕРМИЗ, 26 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда халқ депутатлари Сурхондарё область Советининг сессияси бўлди. Сессия қатнашчилари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Қурилишда хўжалик механизмини такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида»ги қарори қандай бажарилаётганлигини муҳокама қилдилар.

КПСС XXVII съезди қарорлари асосида чорвачиликни жадал ривожлантириш соҳасида маҳаллий Советларнинг вазифалари ҳам муҳокама этилди. Депутатлар партия ва ҳукуматнинг аҳолига маиший хизмат кўрсатишни ривожлантириш суръатларини жадаллаштириш ҳамда уни такомиллаштиришга оид қарорлари қандай рўёбга чиқарилаётганлиги, аввалги сессияда айтган таклифлар қандай бажарилгани ҳақидаги ахборотларни тингладилар.

ЎН БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ V СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИНИНГ ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши иккинчи бетда).

2. Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитети зиммасига қуйидаги вазифалар юклатилсин:

— халқ контроли комитетлари, группалари ва постларининг ҳамда барча халқ назоратчиларининг экономика самарадорлигини ошириш, уни тараққиётнинг интенсив йўлига ўтказиш учун курашдаги фаолиятини активлаштириш юзасидан зарур тадбирлар кўрилсин;

— социал-иқтисодий тараққиёт программасини амалга оширишда, хўжалик юритишнинг янги усулларини ишга жорий этишда, маҳсулотларнинг давлат қабулига ўтишда, корхоналарни ўз харажатларини ўзи қоплаш ва ўзини-ўзи маблағ билан таъминлашга ўтказишда, шунингдек аҳолини озиқ-овқат моллари, халқ истеъмоли моллари билан таъминлаш ҳамда уларга хизмат кўрсатишни яхшилашда, ички ликбозлик ва алкоголизмга қарши, меҳнатсиз даромадларга қарши курашни кучайтиришда партия, совет ва хўжалик органларига амалий ёрдам кўрсатиб борилсин;

— халқ назоратчиларининг диққат-эътибори камчиликларни тузатиш ва уларнинг олдини олишга, қўшиб ёзиш ва кўзбўямачилик, давлатни ҳар қандай йўл билан алдаш ҳолларига барҳам беришга, ишнинг узлуксиз яхшиланиб боришига, социал адолат принципларини қарор топтиришга қаратилсин;

— халқ депутатлари Советларининг доимий комиссиялари, касаба союз, комсомол ташкилотлари ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш органлари билан, шунингдек идораларо контролини амалга оширувчи давлат органлари билан биргаликда текширувлар ўтказиб туриш кенг жорий қилинсин. Идоравий контролнинг ҳолати тез-тез текширилиб, бунда раҳбарларнинг бу иш аҳволи учун масъулияти оширилсин;

— партия ва ҳукумат директиваларини оғишмай бажариш, социалистик қонунчиликка риоя қилиш учун, интизомсизликка, хизмат мавқеини суистеъмол қилишга, бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйганлик учун хўжалик раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан кўпроқ талабчанлик қилинадиган бўлсин;

— меҳнат коллективларида текширувлар якунларини муҳокама қилиб бориш кенг тус олдирилсин; халқ контроли группалари ва постларини ишни ташкил этишга бағишланган қўлланмалар ва методик тавсиялар билан тўлароқ таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин.

3. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Халқ контроли комитетларига, область, шаҳар, район халқ контроли комитетларига, группалар ва постларга социалистик контролнинг ленинча принципларига амал қилган ҳолда ўз фаолиятига танқидий баҳо бериш, бутун диққат-эътиборни ҳал қилинмаган проблемаларга қаратиш вазифаси топширилсин. Халқ контроли группалари ва постларига раҳбарлик қилиш учун хўжалик раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахсларга нисбатан кўпроқ талабчанлик қилинадиган бўлсин;

— меҳнат коллективларида текширувлар якунларини муҳокама қилиб бориш кенг тус олдирилсин; халқ контроли группалари ва постларини ишни ташкил этишга бағишланган қўлланмалар ва методик тавсиялар билан тўлароқ таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўрилсин. Идоравий контролнинг ишлаш вазифаси топширилсин. Меҳнаткашлар халқ контроли комитетлари, группалари ва постларининг ишлари тўғрисида доим хабардор қилиб турилсин, шу мақсадда меҳнат коллективларида ҳисобот бериш формаларидан, матбуот, радио ва телевидение воситаларидан фойдаланилсин. Халқ контроли фаолиятини ташкил қилишда демократик принципларни кенгайтиришнинг асоси бўлган ошкоравийлик ривожлантирилсин.

4. Республика халқ депутатлари маҳаллий Советларининг зиммасига КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми талабларига, СССР Олий Советининг СССР Халқ контроли комитетининг ҳисоботи юзасидан қабул қилган қарорга амал қилиб, халқ контроли органларига раҳбарликни яхшилаш, бунда оммавий, доимий, самарали ва ошкоравий контролни ташкил этишнинг ленинча принципларига оғишмай амалга ошириб борилишига эришиш вазифаси топширилсин. Социал-иқтисодий масалаларни ҳал қилишда мазкур органларнинг обрў-эътибори ва таъсири оширилсин, самарали фаолият олиб бориш учун зарур шароитлар яратиб бериш мақсадида уларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатилсин.

Халқ контроли комитетлари ва группаларининг иши тўғрисидаги ҳисоботлар мунтазам эшитиб борилсин, энг муҳим текширув натижалари маҳаллий Советларнинг сессиялари ва ижрокомларнинг мажлислари муҳокамасига киритиб турилсин, очиб ташланган камчиликларга ўз вақтида эътибор берилиб, уларни йўқотиш юзасидан зудлик билан чора-тадбирлар кўрилсин.

5. Республика министрликлари ва идоралари, бирлашмалар, корхоналар, колхоз ва совхозлар, ташкилотлар ҳамда муассасаларнинг раҳбарлари халқ контроли органларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиб борсинлар, улар ўртага қўйган масалаларга, уларнинг аниқланган камчиликларни йўқотишга доир фикр-мулоҳаза ва таклифларига амалий жавоб берсинлар, нуқсонларга йўл қўйишда айбдор бўлган шахсларга нисбатан талабчанликни кучайтирсинлар, фаол ва самарали иш олиб борган халқ назоратчиларини рағбатлантириш тадбирларини кенг қўлласинлар.

6. Республиканинг ҳуқуқни ҳимоя қилувчи органлари халқ контроли комитетларидан қонунчилик бузилганлиги ҳақида тушган материалларни ўз вақтида кўриб чиқсинлар. Халқ назоратчилари билан биргаликда тез-тез текширувлар ўтказиб турсинлар, уларга қонунда бериб қўйилган гарантияларга риоя қилинишини таъминласинлар.

7. Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советларига, халқ депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар Советининг ижроия комитетларига идоравий контролни йўлга қўйишда министрликлар ва идоралар, бошқа давлат бошқарувчи органлари раҳбарларининг масъулиятини ошириш, текширувларни уйғунлаштириб туриш ишини такомиллаштириш, уларнинг профилактик йўналишини кучайтириш вазифаси топширилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишонч билдирадики, республика халқ контроли органлари социалистик контрол юритишнинг ленинча принципларига амал қилган ҳолда ўз фаолиятларини КПСС XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми, СССР Олий Советининг «СССР Халқ контроли комитетининг фаолияти тўғрисида»ги қарори талаблари асосида қайта қуриш ишини янада кучайтирадилар, мамлакатни социал-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш вазифаларини ҳал қилишга ўз ҳиссаларини қўшадилар ва Улуғ Октябрнинг 70 йиллигини муносиб совғалар билан кутиб оладилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Р. НИШОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари Л. БЕККУЛБЕКОВА.

Тошкент шаҳри.
1987 йил 23 май.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ СОВЕТЛАРИНИНГ РОЛИНИ ЯНАДА ОШИРИШ ВА МАСЪУЛИЯТИНИ КУЧАЙТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ҚАНДАЙ БАЖАРИЛАЁТГАНЛИГИ ҲАҚИДАГИ ДОКЛАД ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Ф. А. ПОЛТАЕВА нутқи

УЗБЕКИСТОН ССР ВА УЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ 50 ЙИЛЛИГИ НОМЛИ ТИКУВЧИЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ БИЧИҚЧИСИ

Кўпгина ташкилотлар ва коллективлар раҳбарларининг ҳали ҳам эскичасига ишлаётганликларига қарамай, қайта қуришнинг дастлабки қадамлари сезилиб турибди. Районлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий Советлари аппаратининг иши тартибга келтирилди, ободонлаштириш бошқармасининг, ремонт-қурилиш ташкилотларининг, социал соҳанинг структураси такомиллаштирилди. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарорига биноан аҳолини тақчил товарлар билан таъминлаш мақсадида коллектив равишда фойдаланиладиган идораларо ва мувофиқлаштирувчи марказ ташкил этилди. Ана шу марказ ёрдамида шу беш йилликда «А» группаси корхоналари учун мураккаб типдаги харидоргир бўлган товарлар («Малютка» кир ювиш машиналари, кофе қайнатгич, шарбат ажратгич асбоблари ва бошқалар) ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Тошкент шаҳар ижроия комитети қошида шаҳар халқ хўжалигини социал-иқтисодий ривожлантириш территориал бошқармаси ташкил этилмоқда, районларда эса шундай бўлимлар тузилмоқда. Бу бўлинмаларнинг асосий вазифаси меҳнат ва социал проблемалар, транспорт, алоқа, соғлиқни сақлаш, маданият, маориф, капитал қурилиш ва бошқа проблемалар бўйича тармоқ комплекс программаларини ишлаб чиқиб, уни амалга оширишдан иборатдир. Бундай бўлинмалар ёрдамида шаҳар халқ хўжалигини ривожлантиришдаги танг жойларни тугатиш масалалари ўз вақтида ҳал этиладиган бўлади.

Партиянинг жадаллаштиришдан иборат стратегик йўлини амалга ошириш учун ҳар биримизнинг зиммамизга жуда катта масъулият тушади. Кўпгина корхоналар, жумладан, бизнинг корхонамиз ҳам хўжалик юритишнинг янгича шароитлари: хўжалик ҳисобига, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўз харажатларини ўзи қоплашга ўтиши муносабати билан тўй бурилиш босқичида турибди. Ҳозирги вақтда фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга, корхоналарни реконструкция қилишга, замонавий талабларга мос келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтишга катта эътибор берилмоқда. Лекин сифатни ошириш масалалари техникавий қайта қуроллантириш, реконструкциялаш йўли билангина ҳал этилиши мумкин эмас. Ишлаб чиқариш жараёнининг марказида инсон туради. Шу муносабат билан меҳнат коллективларида социал проблемаларнинг бутун бир комплекси юзага келади. Бизнинг корхонамизда бундай проблемалар кўп жиҳатдан ҳал этилган. Магазинлар, дорихона, «Гўзаллик салони», «Сервис» фирмасининг қабул пункти, умумий овқатланиш корхоналари, саломатлик пункти, руҳий ҳордиқ чиқариш хонаси тикувчилар ихтиёрида. «Ангар» спорт комплекси ишлай бошлади.

Лекин бизда ҳамма нарса мана шундай яхши йўлга қўйилган, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш, унинг турларини кўпайтириш, меҳнатчиларимизнинг уй-жой шароитларини яхшилаш юзасидан бир қанча жиддий масалаларни ҳал этиш керак. Буларни амалга оширишда биз, депутатларга алоҳида масъулият тушади.

Социалистик ўз-ўзини бошқариш шароитларида меҳнат коллективининг роли ва аҳамияти янги босқичга кўтарилмоқда. Бизнинг вазифамиз, халқ сайлаган кишиларнинг вазифаси ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш шароитида ўз меҳнатидан қандай самара олиш мумкинлигини ҳар бир ходимга тушунтириб беришдан иборатдир. Корхона қанчалик яхши ишласа, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, меҳнатчиларни моддий рағбатлантириш, социал вазифаларни ҳал этиш учун унинг имкониятлари шунчалик кўп бўлади. Меҳнат коллективининг манфаатлари давлат манфаатлари ва ҳар бир конкрет ходимнинг манфаатлари билан энг кўп даражада уйғунлашадиган бўлади.

Депутат Ш. ҲАЙДАРОВА нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР ГОССТРОЙИНИНГ РАИСИ

Партия билан Совет ҳукумати социал масалаларга, аввало уй-жой, мактаблар, болалар боғчалари ва маданий-маиший бинолар қурилишига нақадар катта эътибор бераётганликлари ҳаммага маълум. Модомики шундай экан, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари меҳнат коллективларининг розилиги билан шу вазифаларни ҳал қилиш учун корхона ва ташкилотларнинг маблағларини бирлаштиришлари керак.

Афсуски ҳозир биз бу ишда бирон бир тузукроқ яхшиланиш бўлганини айта олмаймиз. Уй-жой микрорайонлари ҳамон социал биноларсиз, нокомплекс тарзда қурилмоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари медицина ва мактабгача тарбия муассасаларини, клублар, спорт иншоотлари, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари қурилиши учун корхона ва ташкилотларнинг маблағларини жалб қилиш юзасидан қатъий чоралар кўрганлари йўқ.

Навоий шаҳридан ташқари, комплекс тарзда қурилган бирон-бир шаҳарни мисол қилиб кўрсата олмайман.

Уй-жой қурилишининг шу йилларга кўчиб кирувчилар меҳнат иштироки билан барпо этиладиган ёшлар уй-жой комплекслари сингари усулини ривожлантиришда ижроия комитетлари ҳаддан ташқари сусткашлик қилмоқдалар. Бундай қурилишда қатнашишни хоҳловчи кишилар жуда кўплиги, аммо уларни бирлаштириш, ер участкаси, материал ва механизмлар ажратишда, лойиҳа ишлаб чиқишда ҳеч ким амалий ёрдам бермаётганлиги ҳаммамизга маълум. Бизнинг назаримизда ижроия комитетлари биринчи галда уй-жой қурилишининг ҳамма усулларини ривожлантиришдан манфаатдор бўлишлари керак, чунки ҳозир бундан ҳам муҳимроқ масала йўқ.

Масалан, Тошкентда ёшларнинг тўртта ва Бекободда битта уй-жой комплекси лойиҳалаштирилмоқда. Аммо республика учун бу мутлақо етарли эмас. Якка тартибдаги қурилишни кенгайтириш билан боғлиқ масалаларга ҳам эътибор берилиши керак. Бир қанча область ва район ижроия комитетлари якка тартибда уй-жой қурувчилар учун лойиҳа ҳужжатлари ишлаб чиқишни ташкил этдилар. Бу иш Хоразм, Самарқанд ва Навоий областларида яхши йўлга қўйилган. Бироқ Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, Тошкент, Бухоро, Сирдарё область ижроия комитетлари техникавий имкониятлар бўлишига қарамай лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни уюштира олмадилар, мана шу областларда якка тартибдаги уй-жой қурилиши аслида лойиҳасиз асосда олиб борилмоқда. Бу эса қурилишнинг архитектуравий қиёфасини кескин пасайтирибгина қолмай, зарур зилзилабардошликни ҳам таъминлай олмайди. Ер участкалари ажратишдаги сансалорлик якка тартибдаги қурилишни ривожлантиришга тўсқинлик қилаётганлиги сабабли юзага келган аҳвол айниқса ташвишлантиради. Тошкент, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё областларида бундай камчиликлар йўқ эмас.

Яна бир масала. Республика территориясидаги саноат узелларининг умумий узел объектларини лойиҳалаш ва қуришни назарда тутаман. Область ижроия комитетлари ҳузурида махсус дирекциялар тузилиши лозим эди. Аммо кўпгина саноат узеллари бўйича бундай дирекциялар ҳали ҳам тузилмаган. Бундай объектлар лойиҳалаштирилмаяпти ва қурилмаяпти, шунинг оқибатида ҳар бир саноат корхонасининг ўз маҳаллий инженерлик иншоотлари қурилмоқда. Бу нарса давлатга, қолаверса шаҳарларимизга қандай қийинчиликлар келтириб чиқаришини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлайман.

Депутат С. М. БАҲРОМОВ нутқи

ЎЗБЕКИСТОН ССР СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ МИНИСТРИ

Партия ва совет органларининг доимий мададига таяниб, республика соғлиқни сақлаш органлари ва муассасалари касалликларнинг олдини олишни яхшилаш, медицина ёрдамини такомиллаштириш юзасидан анча иш қилмоқдалар. Аммо соғлиқни сақлаш тараққиётининг сўрғаларини бизни қаноатлантира олмайди, ваҳолонки энг муҳим йўналишларда қолоқликка барҳам беришга тўғри келмоқда. Раҳбарлар, ҳар бир медицина ходими ўзининг юксак масъулиятини ҳис этиб, касб маҳоратини оширишга интилсагина бу соҳада туб ўзгаришлар бўлиши мумкин.

Аммо шуни ўкинч билан таъкидлаш керакки, тарбиявий тадбирлар комплекси ва ташкилий иш ўтказилганига, идоравий назоратга қарамай, ҳали ходимларимиз тафаккури ва психологиясида зарур бурилишга эриша олмадик, медицина ёрдами ўз вақтида ва сифатли кўрсатилмаётганлиги, беморларга, уларнинг қариндошлари ва яқинларига қўпол муомалада бўлиш, тамагирлик ва социалистик мулкни талон-торож қилиш ҳолларига чек қўйилмаган. Ўтган йилнинг ўзидаёқ 204 киши лавозимидан озод қилинди, 1500 дан кўпроқ ходим жазоланди, кўп ҳолларда эса текширув материаллари тергов органларига ўтказилди.

Соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини ривожлантириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Беморларнинг 80 процентга яқини амбулаторияда даволанишга муҳтождир. Бундан ташқари, касалликларнинг олдини олиш билан яхши жиҳозланган амбулатория-поликлиника муассасалари шуғулланиши лозим. Ҳозир республикада ана шундай муассасаларнинг қуввати керагидан икки баравар камдир, бунинг оқибатида кўп одамлар стационарларда даволанишга мажбур бўлмоқдалар, бу эса давлатга 5—6 баравар қиммат-га тушмоқда ва кўп миллион сўмлаб маблағ исроф бўлмоқда. Ихтисослашган медицина хизмати кўрсатиш ҳам жиддий орқада қолган. Натижада тор ихтисосли мутахассисларда даволанишга муҳтож беморлар умумий профилдаги врачлар қабулига кириб, зарур даражада ёрдам олмаяптилар, албатта.

Республикамизда азалдан туғилиш кўплиги ва оилаларнинг серфарзандлиги туфайли болалар шифохоналари ва туғуруқхоналар, унга ёрдамчи хизматлар устун даражада ривожланиши лозимлиги аёндир. Аммо ҳозир худди ана шу соҳанинг моддий-техника базаси ниҳоятда заиф.

Саноат, қурилиш ва транспорт корхоналарида медицина-санитария қисмлари етишмаслиги сезилиб турибди. Районлар марказий касалхоналарининг 40 проценти яхши мослаштирилмаган иморатларда жойлашган, бу бинолардаги жойнинг торлиги сабабли функционал диагностика кабинетлари бўлган марказлаштирилган клиник-диагностика бўлимлари очиш мумкин бўлмаяпти.

Ўн иккинчи беш йилликда республикада соғлиқни сақлаш объектлари қурилишига 500 миллион сўмдан кўпроқ маблағ ажратилган. Бу ўтган беш йилликдагига қараганда 166 миллион сўм кўпдир. Агар бунга саноат корхоналари, колхозлар ва совхозларнинг хусусий ёки хўжаликлараро медицина-санитария қисмлари, амбулатория-поликлиника муассасалари қуриш борасида ҳозирча фойдаланилмаётган имкониятларни ҳам қўшсак, қисқа муддат ичида соғлиқни сақлашнинг моддий-техника базасини анча мустаҳкамлаш мумкин бўлади.

Республикада деярли 30 хил пестицидлардан фойдаланилмоқда. Улар орасида ниҳоятда заҳарли химикатлар ҳам бор. Кўпинча бу химикатлар асраш учун зарур даражада мослаштирилмаган омборларда сақланмоқда. Бундай қилиш хавфлидир, албатта. Давлат агросаноат комитетининг жойлардаги органлари ва хўжаликлари пестицидларни асраш ва фойдаланишда тартиб ўрнатиш учун янада таъсирчан чоралар кўришлари, биологик ва одамлар соғлиғи учун хатарсиз бўлган бошқа методларни кенгроқ жорий этишлари керак.

Депутат Н. БЕРДИЕВ нутқи

КОНИМЕХ РАЙОНИДАГИ «ШОФИРКОН» СОВХОЗИНИНГ БОШ ЧЎПОНИ

Партиянинг давлат ҳокимияти органлари активлиги ва мустақиллигини ошириш, уларнинг ижодий ролини кучайтириш соҳасида амалга ошираётган йўли КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш соҳасида халқ депутатлари Советларининг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўз ифодасини топди. Бу қарор маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда Советларнинг ваколатларини анча кенгайтирди.

Конимех районининг маҳаллий Советлари бу қарорни батафсил муҳокама қилиб, уни бажариш юзасидан аниқ-равшан тадбирларни белгиладилар. Бу тадбирлар ҳозирнинг ўзидаёқ яхши натижалар бермоқда. Умуман районда 6.503 квадрат метр уй-жой қуриб фойдаланиш учун топширилди, 180 ўринли болалар боғчаси, район марказида қишлоқ ҳунартехника билим юртининг биноси қуриб битказилди. Янги йил арафасида марказдан олис жойлашган бизнинг «Шофиркон» совхозимиз аҳолиси электр энергиядан доимий фойдаланиш имконини олди. Районда капитал маблағ ҳажми пландаги 10.160 минг сўм ўрнига 11.367 минг сўмни ташкил этди.

Чорвачилик соҳасида ҳам муайян муваффақиятларга эришилди. Чунончи, қўй-қўзиларни кўпайтириш плани 105 процент, шу жумладан, совлиқ қўйларни кўпайтириш плани 107,6 процент бажарилди. Давлатга гўшт, жун, қоракўл тери, сут сотиш планлари ошириб бажарилди.

Хўжалигимизда эришилган муваффақиятларни янада мустаҳкамлаш КПСС Марказий Комитети 1987 йил январь Пленумининг уй-жой қурилишини янада кенгайтириш, маданий-маиший объектлар тармоғини барпо этиш, соғлиқни сақлаш ва савдо органларининг ишини яхшилаш тўғрисидаги йўл-йўриқларнинг қандай амалга оширилишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади, албатта. Бу масалада ҳали районимизда ҳал этилмаган бирталай муаммолар бор.

Район марказида ва совхозларда уй-жой мутлақо етишмаяпти. «Коммунизм», «Конимех» наслчилик хўжаликлари, «СССР 50 йиллиги» совхози территориясида замонавий мактаблар ва қишлоқ участка касалхоналари йўқ. Гарчи бу объектларнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёр бўлса ҳам, «Агропромстрой»даги ўртоқлар икки йилдан бери уларни планга киритмай келмоқдалар.

Ҳар йили бизнинг совхозимиз бир миллион сўмдан кўпроқ соф фойда олмоқда. Чўпонларнинг турмуш даражаси ошмоқда. Аммо меҳнатчиларнинг талаб-эҳтиёжлари йил сайин кучаймоқда. Энди чўпонлар эски типдаги икки хонали уйчаларга қаноат қосил қилмаяптилар, балки мутлақо ҳақли равишда 3 ёки 4 хонали шинам квартиралар, телевизорлар, ёнилғини тежаб ишлатадиган электр движоклар талаб қилмоқдалар. Совхоз ишчилари эса якка тартибда уй қуриб олиш учун бинокорлик материалларини топишлари жуда қийин бўлмоқда.

Иқтисодий ва социал ривожланиш планлари комплекс бўлиши, маҳаллий Советларнинг, тармоқ ва территориал органларнинг талабларига ҳам, шунингдек, бўйсунувчи корхоналарнинг манфаатларига ҳам мос бўлиши керак. Бироқ юқори органлар маҳаллий Советлар билан келишилмаган топшириқларни тез-тез юбориб турибдилар.

Партия билан ҳукумат айрим министрликларнинг йил давомида планларга тузатиш киритиш практикасини кескин қоралашларига қарамай, бундай ҳоллар ҳали ҳам давом этиб келмоқда. Масалан, бизнинг хўжалигимизда қўзиватиш кампанияси ҳар йили 15 мартдан бошланади ва асосан 10 апрелгача давом этади. Шу йилнинг 10 апрелида эса биз Ўзбекистон ССР Давлат агросаноат комитетининг 1987 йилги планни ўзгартириш тўғрисидаги фармойишини олдик, унда биз районда қоракўл тери тайёрлашни 25.000 дона камайтиришимиз ва шунга мувофиқ равишда қўзиларни 25.000 бош кўпайтиришимиз кераклиги айтилган. Табиийки, бу планни район Советининг ижроия комитети совхозларга юборди, гарчи қўзиватиш аллақачон ниҳоясига етган бўлса ҳам у чўпонларга тарқатилди.

Замонавий талабларга биноан совхозларда оилавий пудратга ўтилди. Дирекция оилавий пудратлар билан ишлашни йил бошида тузилган шартномалар асосида олиб бормоқда. Бу шартномаларда ҳисобланилишича, чўпонларнинг меҳнатига йил давомида қилинган харажатларга қараб ва планнинг бажарилишини ҳисобга олиб ҳақ тўланади. Натижада чўпонлар қўзиватиш юзасидан берилган топшириқни бажармасликлари ва йил охирида қўшимча ҳақдан маҳрум бўлишлари яққол кўриниб турибди.

Баъзи жойларда қайта қуришни шундай тушуняптилар чоғи. Чорвадорларнинг меҳнатига муносабатни ўзгартириш керак, деб ўйлайман. Биз КПСС XXVII съезди ўртага қўйган вазифаларни шараф билан бажариш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаверишга тайёрмиз.

Депутат Ш. Қ. НАЗАРОВА нутқи

АНГОР РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕКРЕТАРИ

Партиямиз барча босқичдаги Советлар ишини яхшилаш, такомиллаштириш ва қайта қуриш тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Давлат ҳокимиятининг маҳаллий органлари территорияларни социал-иқтисодий ривожлантиришнинг етилган масалаларини ҳал этишда кенг ваколатга эга бўлдилар, уларнинг майда-чуйда ишларга аралашишига чек қўйилди, уларнинг ўрнини босиш барҳам топди.

Советлар олдида турган вазифалар совет, хўжалик ва социал-маданий муаммоларни ҳал этишга ижодий ёндашувни, иш услуби ва методларини такомиллаштиришни, камчиликларга қатъиян барҳам беришни талаб этади. Район партия комитети Советлар ўз ваколатларини амалга ошириш чоғида мустақил, фаол ва ташаббускор бўлишларини таъминлаш учун чоралар кўрмоқда, район Совети амалда ўз территориясида хўжаликни самарали юритишни ошириш масалалари билан шуғулланиши, колхозлар, совхозлар, муассасалар, ташкилот ва корхоналар фаолиятини йўналтириш ва назорат этиб туришига эришмоқда. Район ва қишлоқ Советлари ижроия комитетларга сессиялардаги докладлар, депутатларнинг нутқларидаги танқидий фикр-мулоҳазаларни, меҳнаткашларнинг таклифларини умумлаштириш ва амалга оширишга кўпроқ эътибор берадиган бўлиб қолдилар, бу эса депутатлар фаолигини ҳам, танқид қилинган мансабдор шахсларнинг масъулиятини ҳам оширишга самарали таъсир этмоқда. Сессиялар, Советлар ижроия комитетлари мажлисларининг қарорлари тобора аниқроқ мақсадларни кўзловчи, конкрет бўлиб бормоқда.

Депутатлар одамларнинг уй-жой шароитларини, аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ишини эндиликда анча собитқадамлик билан олиб бормоқдалар. Медицина муассасалари ишини такомиллаштиришга кўп эътибор берилмоқда. Бундай муассасаларнинг тармоғи кенгаймоқда. Сўнгги йилларда райондаги барча колхоз ва совхозларда қишлоқ врачлик амбулаториялари очилди ва ишлаб турибди, улар кадрлар билан таъминланган. Аммо район ижроия комитети пайчилик асосида юқумли касалликлар типовой касалхонасини қуриш масаласини, сира ҳал этолмай турибди. Мавжуд бино батамом яроқсиз ҳолга келган. Давлат агросаноат комитети ва Госплан бизга ёрдам беради, деб умид қиламиз. Шу билан бир қаторда, халқ депутатлари Советларининг район ва хўжаликлар экономикасини бошқариш ва такомиллаштириш юзасидан олиб бораётган иши ҳали давр талабларига жавоб бермаётганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Социал-иқтисодий масалаларни ҳал этишда депутатлар ҳали ҳам фаол қатнашмаяптилар.

Биз ўзимиз бартараф этишимиз лозим бўлган мавжуд субъектив сабаблар билан бир қаторда бизга боғлиқ бўлмаган объектив сабаблар ҳам бор. Масалан, пахтачиликни олиб кўрайлик. Уруғчиликни яхшилаш иши суст бормоқда, мукаммал техника, айниқса, терим техникаси йўқлиги туфайли қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари катта зиён кўрмоқдалар. Чорвачиликда ҳам механизация даражаси паст. Республика Госплани, Давлат агросаноат комитети, илмий-тадқиқот институтлари ана шу муаммолар моҳиятини тез ва чуқурроқ англаб, уларни ҳал этиш учун амалий йўллар белгилашлари керак.

Бутун Сурхондарё областида бўлганидек, районимизда ҳам ишлаб чиқариш кучларини янада ривожлантиришга капитал қурилишдаги ишнинг аҳволи салбий таъсир этмоқда. Ишлаб чиқариш ва социал-маданий объектлар қурилишига ажратилган маблағларни ўзлаштира олмаётганимиз учун бизни кўпинча танқид қилмоқдалар. Аҳвол ҳозиргидек давом этаверса, ҳамма иш тез орада яхшилик сари ўзгаради, деб умид қилиб бўлмайди. Ўзбекистон Давлат агросаноат комитети баъзида лойиҳа учун лимит ажратмаса, баъзан тайёр лойиҳалар бўйича муҳим объектлар қурилишига лимитларни ўз вақтида бермайди.

Маориф министрлиги, республика Ҳунар-техника таълими давлат комитети мактаблар ва ўрта ҳунар-техника билим юртларининг ўқув-моддий базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш йўлларини яна ҳам принципиаллик билан ўйлаб кўришлари керак. Ҳозир бизни эски мактаблар эмас, балки янги мактаблар ташвишлантириб турибди. Болалар боғчалари каби бу мактабларнинг ҳам лойиҳалари бизнинг иқлим шароитимизга мос эмас. Типовой ускуна етказиб бериш йўлга қўйилмаган. Яна неча йил синфдаги эски доска олдида туриб, машинаграмсиз умумий компьютер таълими давом этиши ҳам равшан эмас.

Депутат Қ. СИНДОРОВ нутқи

СИРДАРЁ РАЙОНИДАГИ «ЛЕНИНГРАД» КОЛХОЗИНИНГ РАИСИ

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш учун Советларнинг ролини янада ошириш ва масъулиятини кучайтириш тўғрисида»ги қарори Советларнинг ишига янги қудратли омил бахш этди. Бу қарор халқ ҳокимияти органлари фаолиятининг ҳамма ҳаётий муҳим жиҳатларига таллаулки бўлиб, улар мустақиллиги ва фаоллигини кучайтиришга қаратилган.

Ленинград қишлоқ Совети қишлоқ территориясида ўн иккинчи беш йилликда иқтисодий ва социал соҳани комплекс ривожлантириш планини ишлаб чиқди. 2000 йилга қадар ҳар бир оилани алоҳида уй-жой билан таъминлаш масаласи қишлоқ Советининг сессиясида кўриб чиқилди. Шу йилнинг ўзида колхозда яшовчи 28 кишига якка тартибда уй қуриш учун ер участкалари ажратиб берилди. Колхоз пудрати асосида ҳар йили 35—45 та уй қурилмоқда. 1990 йилгача колхоздаги ҳар бир оилани уй-жой билан таъминлашни режалаштирямиз. Сўнгги вақтда колхозчиларнинг меҳнат ҳақи анча ошди, маданий-маиший муассасалар тармоғи кенгайтирилди, мактаблар ва болалар боғчаларида ўринлар сони кўпайди.

Ҳозирги вақтда халқ депутатлари маҳаллий Советларига сайловга ҳозирлик кўрилмоқда. Бу соҳада ҳам яхши ўзгаришлар, меҳнат коллективларининг ҳамда гражданларнинг истиқомат жойларидаги қишлоқ йиғинлари фаоллашганлиги сезилмоқда.

Шунингдек, эришилган ютуқлар билан бир қаторда фойдаланилмаган имкониятлар ва резервлар ҳам борлигини тан олишимиз керак. Ҳозир бизга пландаги ҳосилнинг 30 процентини ҳамда планга қўшимча олинган мева ва сабзавотнинг ҳаммасини аҳолига сотиш ҳуқуқи берилган. Бироқ сабзавот омборлари йўқлиги сабаби қишлоқ меҳнаткашларини картошка, пиёз ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан ўз вақтида ва зарур миқдорда таъминлай олмаяпмиз. Шу муносабат билан республика ҳукуматидан Сирдарё области территориясида хўжаликлараро сабзавот омборлари, шунингдек, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи завод қурилиши масаласини ҳал қилишни сўрадим.

Ҳозир очиғини айтишимиз керак: маҳаллий Советлар, шу жумладан, Ленинград қишлоқ Совети ўзига берилган ҳуқуқ ва ваколатлардан ҳали тўлиқ фойдалана олмаяпти. Бунга мисоллар кўп. Биз муҳокама қилинаётган қарорда маҳаллий Советлар территориясида жойлашган корхоналар халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришга жалб қилиниши лозимлиги айтилган. Бундан ташқари уларнинг зиммасига маиший хизмат кўрсатиш, тўловли хизматлар ҳажмини кўпайтириш вазифаси юклатилган. Бироқ бу масалаларнинг ҳал этилиши ҳозирги талабларга жавоб бермайди. Меҳнатга лаёқатли аҳолини, ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этиш мақсадида жойларда савдо, маиший хизмат соҳасида кооперативлар ташкил этиш иши жуда қониқарсиз бормоқда. Буларнинг ҳаммаси маҳаллий Советларнинг иши бўшлигидан далолат бермоқда. Бунинг учун биз, депутатлар ҳам зиммамиздаги айбимизни соқит қилмаймиз.

Яна бир муаммо мавжуд. Республика министрликлари ўз ишларини секинлик билан қайта қурмоқдалар. Уларнинг вакиллари жойларда камдан-кам бўладилар, ҳаёт олға сураётган вазифаларни тез ҳал қилмаяптилар. Мисол тариқасида Давлат агросаноат комитети, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги, Уй-жой-коммунал хўжалиги министрлиги, Аҳолига маиший хизмат кў

ТЕРАПЕВТЛАР БУТУНИТТИФОҚ СЪЕЗДИ

26 май куни Ўзбекистон пойтахтида терапевтларнинг XIX Бутуниттифоқ съезди ўз ишини бошлади. Соғлиқни сақлаш хизматини қайта қуриш, одамларнинг сифатли медицина ёрдамига бўлган талаб эҳтиёжини таъминлаш вазифалари съезд делегатларининг диққат марказида турибди. Съездда барча иттифоқдош республикалардан келган бир мингга яқин олим ва амалиётчи мутахассислар қатнашмоқдалар.

Съездни Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. У. Султонова очди.

Социал-иқтисодий тараққиётни жадаллаштириш соҳасида партия олға сурган концепция, деб таъкидланди съездда, совет кишисининг соғлиқни сақлаш ва мустаҳкамлаш проблемаларига ғоят бевосита дахл қилади. Касалликлар профилактикасини кучайтириш, бутун аҳолини диспансер кўригидан ўтказиш борасидаги ишларнинг давлат Комплекс программасини амалга ошириш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Бутун даволаш соҳасидаги ишларнинг асосий бўғини бўлмиш терапия хизматига ана шу программани рўёбга чиқаришда биринчи даражали аҳамият берилмоқда.

Медицина муассасаларида даволаш-диагностика жараёнини такомиллаштириш, кадрларни тайёрлаш ва улар малакасини ошириш системасини яхшилаш соҳасида терапевтлар олдида катта вазифалар турибди. Врачлар соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда, ичкиликбозликка қарши пропагандада ҳам янада актив роль ўйнашлари керак. Съездда врачлик касбининг маънавий ҳамда ахлоқий-этикавий жиҳатларига — меҳрибонлик, ғамхўрлик, ҳамдардлик туйғуси, яъни шундай инсоний фазилатларни тарбиялашга кўп эътибор бериладики, ана шу фазилатларсиз ҳақиқий шифокорнинг бўлиши мумкин эмас.

Тўрт кунлик иш программасига мувофиқ турли касалликларнинг юзага келиш механизмларининг энг янги тадқиқотлари, шу касалликларни диагноз қилиш ва даволашнинг самарали методлари, врачлик ёрдамини ташкил этиш илғор тажрибаси тўғрисида докладлар қилинади ва ахборотлар берилади. Терапевтлар Бутуниттифоқ илмий жамияти правлениесининг янги составини сайлаш, унинг Уставини қабул қилиш мўлжалланмоқда.

(ЎзТАГ).

Кадрлар ўқуви

Тошкент олий партия мактабининг партия, совет ва идеология кадрлари малакасини ошириш факультетида тингловчиларнинг навбатдаги группаси ўқишни тугатди. Группа составида касаба союзлари республика ва область Советларининг секретарлари, Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистон тармоқ касаба союзлари республика ва область комитетларининг раислари бор эди.

Ўқиш жараёнида марксчаленинча назария ва КПСС сиёсатининг долзарб масалалари, ҳозирги босқичда мамлакат социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш проблемалари, партиянинг ички ва ташқи стратегияси ҳамда янги тарихий шароитда касаба союзларининг роли ўрганилди.

Касаба союзларининг ишини партия XXVII съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1987 йил январь Пленуми, СССР касаба союзларининг XVIII съезди қарорлари асосида қайта қуришга алоҳида эътибор қаратилди. Халқ хўжалиги планларини бажариш, социал сиёсатни амалга ошириш, демократияни чуқурлаштириш шароитида меҳнаткашларнинг меҳнатдаги фаоллигини кучайтириш борасида касаба союзларининг вазифалари кўриб чиқилди. Тингловчилар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети лекторлари группасининг мудири В. М. Кнопов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг сектор мудири Ю. Ш. Шодиметов, Ўзбекистон ССР прокурорининг ўринбосари О. И. Гайданов, «Совет Ўзбекистони» газетасининг редактори Л. П. Қаюмов, Ўзбекистон ССР Меҳнат давлат комитети раиси Ҳ. Н. Тожиев, СССР Стандартлар давлат комитети Ўзбекистон бошқармасининг бошлиғи М. М. Мирсоатов, касаба союзлари Тошкент область Советининг раиси А. В. Браилов, Туркистон ҳарбий округи Сиёсий бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари генерал-майор Ю. И. Панкратов лекция ўқидилар.

Машғулотлар давомида касаба союзларининг ташкилотчилик ишларини, касаба союз комитетларининг меҳнат коллективлари тўғрисидаги Қонунни амалга ошириш борасидаги фаолиятини такомиллаштириш масалалари, касаба союзларининг маданий-оммавий ишларини такомиллаштириш проблемалари кўриб чиқилди. Мазкур масалалар юзасидан тингловчилар ҳузурида «Тажиксовпроф» раиси А. Д. Дадабоев, «Туркменсовпроф» секретари А. А. Снежко, «Ўзсовпроф» секретари А. А. Эшонхўжаев доклад қилдилар.

Давлат корхонаси (бирлашмаси) тўғрисидаги Қонун лойиҳасининг муҳокамаси, корхоналарни иқтисодий ва социал ривожлантириш планларини ишлаб чиқишда касаба союз ташкилотларининг иштироки, социалистик мусобақани ташкил этиш муаммолари тўғрисида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг директори В. Н. Сигедин, «Ўзбексельмаш» бирлашмаси касаба союз комитетининг раиси П. В. Писоцкий, «Ўзсовпроф» секретари Б. Ю. Юсупов тингловчиларга гапириб бердилар.

Тингловчилар сайёр амалий машғулотларда касаба союзлари Тошкент область Советида, бир қанча тармоқ касаба союз комитетларида, «Ташсельмаш» ва «Таштекстильмаш» заводларида касаба союзлари ишини қайта қуриш тажрибаси билан танишдилар. Иш тажрибаси ўртоқлашилди, меҳнат коллективлари билан учрашувлар бўлди.

(ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОНДА КЎП МИЛЛАТЛИ СОВЕТ АДАБИЁТИ ҲАЛИ ҲАЛИ 70 1987

ҚАРДОШЛИК МУШОИРАСИ

СЎЗ

Нил ГИЛЕВИЧ (Белоруссия)

Сўз! Буюк мўъжиза, сеҳр ва ҳайрат,
Таажжубга солар руҳларни такрор.
Онанинг муқаддас сўзлари фақат
Юракка қайта жон беришга тайёр.
Қўшиқлар қанотли,
Ҳикматли, доно,
Вафо, қасам сўзи қатъий, ҳукмдор.
Шуҳрату шараф, шон сўзи мардона,
Тинчлик, дўстлик, бирлик сўзи байроқдор.

Талаффуз, китобда, хотира мармарда
Акс этар ғазаб, ўч, севги, ғам сўзлари.
Тилаклар тинмайди шомда, тонг саҳарда
Дунёга, ҳавога тенг одам сўзлари,
Меҳнат бахт, эрк сўзи мисоли зўр офтоб.
Токи биз тирикмиз жон қадар садоқат,
Жаҳонда юракка таянчдир ҳақиқат,
Энг эзгу сўз: Ленин,
Партия,
Инқилоб!

* * *

Ота ОТАЖОНОВ (Туркманистон)

Асло ташвиш чекма, деди танишим,
Оқиб кетаверар сувда лойқалар.
Бошдан-охир шундай дунёнинг иши,
Дарёнинг тубида чўкиб тош қолар.
Гарчи бу ҳикматда йўқ зарра ёлғон,
Сувлар ўз йўлида оқар бемалол.
Дарёнинг тубида қорайиб қолган
Асил тошларни ҳам кўриш кўп маҳол.
Суст оқар, эринчоқ дарёлар гоҳи
Айланиб қолади ботқоқликларга.
Ақли хиралашса инсон юраги

Кин қоплаб дуч келар бедодликларга.
Агар ётаверса дарё тубида
Не-не асил тошлар қоришиб лойга
Ҳамма кашфлар қотиб ётар уйқуда,
Инсонлар қалбига термилмоқ қайда!
Тўфонга айланиб шу нодир тошлар,
Юзага чиқсалар бир ҳамла билан,
Эҳтимол лойқалар тез тина бошлар,
Бебаҳо ҳислардан ёришар жаҳон.

Қамбар ЎТАЕВ таржималари.

ҲАЙРАТ СЕВГИ

ЛОЙИҚ (Тожикистон)

Замон алломаси — Бўалий,
Икки тилда битарди абёт.
Ниншопурлик ул ҳаким Ҳайём,
Икки тилда қилларди ижод.
Икки тилли шоирга олқиш,
Таржимондир эллар дилига.
Ҳақиқатни тилга киргизиб,
Сингдиради қалбинг тилига.
Минг афсуски, ҳар бир
айёмда,
Гарчи эллар билимдондир
хўп,
Икки тилли шоир саноқли,
Иккиюзламаси кўпдан кўп...

Агар ўт ичра қолсам ҳам,
Сени севгум, сени севгум,
Агар ёндирса ҳам минг ғам,
Сени севгум, сени севгум.
Таманнойим ўзинг, эй гул,
Тасаллойим ўзинг, эй гул,
Яшарканман агар бир дам,
Сени севгум, сени севгум.
Ўзингсан орзуйим асли,
Муроду матлабим васли,
Агар ишқингда ўлсам ҳам,
Сени севгум, сени севгум.
Кўриб сўзу гудозимни,
Эшит арзу ниёзимни,

Ёқар ё ёқмагай, қайдам,
Сени севгум, сени севгум.

Агар бу чархи кажрафтор,
Мени шод этмаса бир бор,
Этар, ё этмагай хуррам,
Сени севгум, сени севгум.

Қасам ул қора холингга,
Қасам нурли жамолингга,
Хумор кўзингга минг қатла,
Сени севгум, сени севгум.

Жонибек ҚУВНОҚ таржималари.

РЕКЛАМА * ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон ССР Давлат физкультура ва спорт комитети
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ФИЗКУЛЬТУРА ИНСТИТУТИ
1987 йилда тренерлик, педагогика ва сиртқи факультетларга ўқишга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ТРЕНЕРЛИК ФАКУЛЬТЕТИ

акробатика, бокс, кураш (классик, эркин, самбо, дзюдо ва миллий кураш), велоспорт, гимнастика (спорт гимнастикаси), эшкак эшиш спорти, енгил атлетика, сузиш, оғир атлетика, қиличбозлик спорти турлари бўйича ўқитувчи-тренерларни тайёрлайди.

ПЕДАГОГИКА ФАКУЛЬТЕТИ

баскетбол, волейбол, гандбол, гимнастика, енгил атлетика, сузиш, теннис, футбол, чим хоккей бўйича жисмоний тарбия ўқитувчиларни, оммавий физкультура-соғломлаштириш ишлари ва туризм бўйича ўқитувчи-ташкилотчиларни тайёрлайди.

СИРТҚИ ФАКУЛЬТЕТ

тренерлар факультети бўйича кўрсатилган спорт турларидан ўқитувчи-тренерларни, педагогика факультети бўйича кўрсатилган спорт турларидан жисмоний тарбия ўқитувчиларни; оммавий физкультура-соғломлаштириш ишлари ва туризм бўйича ўқитувчи-ташкилотчиларни тайёрлайди.

Кундузги ўқишга 35 ёшгача бўлган кишилар қабул қилинади. Сиртқи ўқишга эса физкультура ва спорт соҳасида ишловчи ёки ўрта физкультура таълими билимига эга бўлган барча ёшдаги кишилар қабул қилинади. СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари, халқаро классдаги СССР спорт мастерлари, СССР спорт мастерлари, СССРда ва Иттифоқдош республикаларда хизмат кўрсатган тренерлар, қисқа муддатга чақирилган ҳарбий хизматчилар, запасга бўшатилгандан сўнг орадан ўтган дастлабки уч йил ичида СССР Қуролли Кучларидан бўшатилганлар танланган ихтисоси бўйича иш тажрибасига эга бўлган кишиларга тенгдирлар.

Ўзбекистон Давлат физкультура институтига ЎҚИШГА КИРУВЧИЛАР суҳбатдан ўтадилар ва танланган ихтисослик бўйича:

РУС ТИЛИ ёки ЎЗБЕК ТИЛИ ва АДАБИЁТИДАН (ёзма), БИОЛОГИЯ (оғзаки)дан КИРИШ ИМТИҲОНЛАР ТОПШИРАДИЛАР.

ТАНЛАГАН ИХТИСОСЛИК БЎЙИЧА ИМТИҲОН БИРИНЧИ БЎЛИБ ТОПШИРИЛАДИ.

«Спорт турларини ўқитишни ташкил этиш ва унинг методикаси» ихтисослиги бўйича тренерлар ва сиртқи факультетларга, шунингдек, «Жисмоний тарбияни ўқитишни ташкил этиш ва унинг методикаси» ихтисослиги бўйича педагогика факультетига кирувчилар учун ихтисослик бўйича баҳо танланган спорт тури ва умумий жисмоний тайёргарлигига қараб қўйилган баҳолардан ташкил топади. Бунда ўртача арифметика ҳисоб қўлланилади.

«Оммавий физкультура-соғломлаштириш ишлари ва туризмни ташкил этиш» ихтисослиги бўйича педагогика факультетига кирувчилар ГТО ёзги кўпкураши (100 метрга югуриш, йигитлар учун 3 минг метрга, қизларга эса 1000 метрга кросс, граната иргитиш, 25 метрга нишондан отиш, эркин усулда сузиш) бўйича имтиҳонлар топширадилар.

ЭСЛАТМА: 16—18 ёшли йигитлар 1000 метрга, шу ёшдаги қизлар эса 500 метрга кросс усулида югурадилар.

«Жисмоний тарбияни ўқитишни ташкил этиш ва унинг методикаси» ихтисослиги бўйича ва «Оммавий физкультура-соғломлаштириш ишлари ва туризмни ташкил этиш» ихтисослиги бўйича сиртқи факультетга кирувчилар спортнинг танланган тури бўйича имтиҳон топширишдан озод қилинадилар. Имтиҳон умумий жисмоний тайёргарлик (100 метрга югуриш, йигитлар учун 1000 метрга, хотин қизлар учун 500 метрга кросс, турникда тортилиш, ётган ҳолда таяниб қўлларни эгиш ва букиш, олдинга энгашиш, сузиш) программаси бўйича ўтказилади.

Тренерлар факультетида ўқиш учун кириш имтиҳонларига камида иккинчи спорт разрядига эга бўлганлар, педагогика ва сиртқи факультетларга танланган спорт тури бўйича камида учинчи разрядга эга бўлган шахслар қўйилади.

СССРда хизмат кўрсатган спорт мастерлари ва халқаро классдаги СССР спорт мастерлари танланган ихтисос бўйича кириш имтиҳонларидан озод қилинадилар. Улар фақат сузиш бўйича нормативни топширадилар.

ЎҚИШ МУДДАТЛАРИ:
кундузги факультетларда — 4 йил,
сиртқи факультетда — 5 йил.

1987 йил 1 июндан бошлаб АБИТУРИЕНТЛАР УЧУН ИНСТИТУТ ҳузурида ЕНГИЛ АТЛЕТИКА, ГИМНАСТИКА, СУЗИШ бўйича ЎҚУВ-ТРЕНИРОВКА МАШҒУЛОТЛАРИ ташкил қилинади.

Аризага ўрта маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, ишлайдиганларга маъмурият тасдиқлаган олий ўқув юртига кириш учун характеристика, меҳнат дафтарчасидан кўчирма; 086/У ёки 286-формадаги медицина справкаси; 3х4 сантиметрдаги 7 та фотосурат, классификация билети ва ёшига қараб берилган ГТО гувоҳномаси (асл нусхаси) қўшиб топширилади.

ПАСПОРТ, ҲАРБИЙ БИЛЕТ ЁКИ ЧАҚИРУВ ГУВОҲНОМАСИ ШАХСАН КЎРСАТИЛАДИ.

ҲУЖЖАТЛАР:
сиртқи факультет учун 20 июндан 31 июлгача.
кундузги факультетларга 1 июлдан 5 августгача қабул қилинади.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ:
сиртқи факультетга 1 августдан 20 августгача,
кундузги факультетларга 6 августдан 20 августгача **ўтказилади.**

СТУДЕНТЛИК СОСТАВИГА КИРИТИШ 21 АВГУСТДАН 31 АВГУСТГАЧА АМАЛГА ОШИРИЛАДИ.

Институтга қабул қилинганлар Низомга ва табель формасига мувофиқ стипендия билан таъминланадилар.

Бошқа шаҳарлардан ва қишлоқлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

ИНСТИТУТ АДРЕСИ: 700052, Тошкент, Новомосковская кўчаси, 2.

• *Ем-хашак ўримида қизғин дамлар*

Озиқли от ҳоримас...

Усмон Юсупов районидаги Ғ. Ғулом номли давлат-наслчилик хўжалиги бедазорларига ўрим-йиғим техникаси бу йил ҳар қачонгидан эрта олиб чиқилди. Хўжаликда беданинг биринчи ўрими ўтган йилга нисбатан 10 кун барвақт тугалланди. 20 косилка, 4 та грабил ва 5 та пресподборшиклар кучидан унумли фойдаланилди. Ўтган йили биринчи ўримда ҳар гектар ердан 33 центнердан беда пичани ўриб-йиғиб олинган бўлса, бу йилги ҳосилдорлик 35-40 центнерга тўғри келмоқда.

Коллектив пудратига ўтиб ишлаётган Т. Авазов, Ч. Қобилов, М. Ибодуллаевлар бошлиқ ем-хашак бригадалари мавжуд 303 гектар эски ва 200 гектар янги бедазорлар ҳосилдорлигини оширишга жиддий эътибор бермоқдалар. Экинни агротехника қоидалари асосида озиқлантириш, суғориш ва ишлов бериш ўз муддатида амалга оширилаётганлиги туфайли мўл-кўл беда пичани тайёрланмоқда.

Завод отарларида 29 минг бош қўй боқилаётир. Бу йил 15 минг бош она қўйдан 15670 бош соғлом қўзи олинди. Бунинг 70 проценти ўстиришга қолдирилди. Чорвадорлар қўлга киритилган муваффақиятларни мустаҳкамлаш учун юбилей йилида 1,5 йилга етадиган миқдорида хашак тўплаш ташаббусини бошлаб беришди. Бу борада конкрет тадбирлар тузиб чиқилди.

— Фермаларимизда ҳали ўтган йилдан қолган бир неча ўнлаб ғарамлар ҳам бор, — дейди завод директори М. Жумақулов, — 8200 тонна хашак орттирганмиз. Чироқчи, Деҳқонобод, Ғузор районлари хўжаликларига унинг анча қисмини сотдик ҳам. Тўғриси, 1986 йилда етарли миқдорда ем-хашак жамғарганлигимиз учун молларимиз қишловдан соғлом, семиз чиқди, маҳсулдорлик ортди. Гўштга топширилган совлиқларнинг тирик вазни олдинги йилларга нисбатан анча ортиқ чиқяпти. Таннарх 25 процент арзонлашди. Бу йил 10 минг тонна хашак тўплаймиз. Далалар ва қирларда ҳар йилгидан кўра жуда кўп ўт-ўлан бор. Лекин шунга қарамай, тўпланажак хашакнинг катта қисмини беда пичани ташкил этишига эришамиз.

Хўжаликда барча ем-хашак бригадалари коллектив пудрат асосида ишлаётганлиги моддий манфаатдорликни ҳам оширмоқда. Чорвадорлар беда парваришини кучайтирган ҳолда унинг ҳар гектаридан тўрт ўримда пландагги 100 центнер ўрнига 120 центнердан ҳосил олишни мўлжаллашган.

Шу кунларда ўрилган ва пресслланган беда пичани «КамАЗ» автомашиналарида фермалар ва отарларга пешма-пеш ташиб олинмоқда. Механизаторлардан — Ж. Норбоев, Ж. Мадатов, Т. Рўзиев, Т. Холиқов, ҳайдовчилардан — Н. Ҳамроев, Х. Йўлдошев, М. Жавлиевлар бу ишда пешқадам. Шунингдек, хўжалик бухгалтери, коммунист А. Отаниёзов бошлиқ кўнгилли зарбдор бригада аъзолари ҳам озуқа ғарамлари тиклашда чорвадорларга яқиндан кўмаклашмоқдалар.

Ўрим-йиғим ишлари қўриқ районнинг бошқа хўжаликлари ҳам яхши боряпти. Бу йил бедазорларни кенгайтириш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2600 гектар эски бедазорга 1145 гектар янги ҳосилдор майдон қўшилди. Бундан ташқари 442 гектар ерга перко, рапс сингари оралиқ экинлари ҳам экилиб, юқори ҳосил олинди. Судан ўти ва сорго ўсимликлари баравж ривожланмоқда.

Буларнинг ҳаммаси хўжаликларда сут тайёрлаш миқдорини оширишга хизмат қиляпти. Ҳозир район бўйича ҳар бош сигирдан кунига ўртача 8-10 килограммдан сут соғиб олинмоқда. Бу — сут етиштиришнинг ўтган йилга нисбатан 12 процент ўсишини таъминлаяпти.

Хўжаликда ўтган йили беданинг тўрт ўримидан гектарига 83 центнердан ҳосил етиштирилган бўлса, бу йил 100-120 центнердан пичан олиш ёки ҳар бош молга 23 центнердан озуқа бирлиги тўплаш мақсад қилиб қўйилган. Дастлабки натижалар ёмон эмас: ялпи майдоннинг 70 процентида беда ўрими тугалланди. Гектарига 35 центнер пичан жамғариб олинди. Бедазорларда 70 косилка, 20 пресподборшик, ўнлаб «КУФ 1,8», «КСК—100» агрегатлари ишлатилмоқда.

Аммо районнинг ҳамма хўжаликларида ҳам беда ва табиий ўтларни барвақт ўриб олиш таъминланаётир, деб бўлмайди. Айниқса, Калинин номли «Янгнобод» совхозларида ўрим суръати суст. Биринчи ўрим чўзилиб кетмоқда. Ишчи кучи ва техника етарли бўлса-да, қимматли вақтлар бой бериляпти. Масалан, биргина «Тошкент» совхозида мавжуд 464 гектар ердаги беданинг эндигина бир қисми ўриб олинганлигини қандай баҳолаш мумкин? Бу ердаги 7 косилка, 3 та «КС-2,1», 23 та «КУФ» агрегатлари кучидан етарли фойдаланилмаётир.

Бу йил районда 18,5 минг тоннага яқин чорва озуқаси тўпланиши учун барча резерев ва имкониятлар тўла ишга солинмаса, кўзланган мақсадларга эришиш қийин.

М. КАРОМОВ.

ҚЎНИМСИЗЛИК ОҚИБАТИ

ёки лоқайдлик ва интизомсизликка ким айбдор?

«Сирдарьяоблтрансэкспедиция» бирлашмаси 1986 йил давлат планини бажармади. Бу қолоқлик бартараф этилиши кутилган эди. Афсуски 1987 йилнинг дастлабки квартали кўрсаткичлари ишда жонланиш йўқлигидан далолат бермоқда. Қолоқликнинг сабаби нимада? Ана шу саволга жавоб излаб бирлашмага йўл олдик.

Биринчи ажаблантирган факт шу бўлдики, корхона раҳбарларининг ҳаммаси хизмат вазифасини вақтинча ижро этувчилар экан. Масалан, Турсунали Қодиров — бирлашма бошлиғи вазифасини бажарувчи, Баҳодир Йўлдошев — ўринбосар вазифасини бажарувчи, Любовь Булгакова — бош бухгалтер вазифасини бажарувчи, Таслима Ҳайдарова — катта иқтисодчи-инженер вазифасини бажарувчи ва ҳоказо.

Ташкилотда авж олган хўжасизлик, лоқайдлик, план ва ижро интизомининг бўшашиб кетишига ким айбдор? Албатта кадрлар. Юқорида номлари келтирилган вақтинчалик лавозим эгаларими ёки қуйи бўғин кадрларими?

Афсуски, қуйи бўғиндаги аҳвол янада аянчли. Ўтган йилнинг ўзида бирлашмага 123 нафар ишчи қабул қилинган бўлса, уларнинг 114 нафари бўшаб кетди...

Бу йилги манзара ўтган йилдагидан қолишмайди. Мана шу қўнимсизлик туфайли ўтган йили пландаги 1220 минг ўрнига 1174,3 минг сўмлик хизмат кўрсатилган эди. Иш шу йўсинда давом этгудек бўлса, бу йилги қарз янада кўпроқ бўлиши аниқ. Лекин бирлашма раҳбарларини бу манзара ташвишга солмаяпти чоғи. Акс ҳолда йил бошиданоқ коллектив ишидаги оқсашни нима билан изоҳлаш мумкин? Автотранспорт паркидан самарасиз фойдаланиш эса кишини ҳайратга солади. Ҳар куни 30—40 тадан машина гараж дарвозасидан ташқарига чиқмайди.

— Жами 126 машинамиз бор. Шундан 10—15 таси шофер йўқлиги учун бекор турибди. Қолганларига эҳтиёт қисм етишмаяпти. — Навбатчи механик Н. Иброҳимов шундан бошқа баҳона топа олмади.

— Эҳтиёт қисм сўраб раҳбарларга мурожаат эта бошлаганимга 2 ойдан ошди. Нуқул ваъда беришади, — дейди 69—75 СИВ машинаси ҳайдовчиси Фарҳод Олимов фиғони ошиб. — Кошки эди «ваъда»ни эҳтиёт қисм ўрнида ишлатиб бўлса... Раҳбарларимизнинг ўз вазифаларига муносабатлари шу бўлгач, иш олға босармиди?!

Т. ҲАНИТБОЕВ,
И. АҲАТОВ,
Сирдарё область, Комсомол райони.

Ҳам арпа, ҳам озуқа

Термиз районидаги Ленин номли колхоз ғаллакорлари ўтган йили эрта кузда катта майдонларга беда билан аралаштириб арпа экканэдилар. Экинлар парвариши кўнгилдагидек ташкил этилгани туфайли мўлжалдагидан 10 кун барвақт мўл-кўл дон ҳосили пишиб етилди. Колхоз ғаллакорлари ғанимат фурсатни қўлдан бой бермай, арпа ўримини бошлаб юбордилар. Ғалла комбайнлари ишга тушиб кетди. Ғалласи ўриб олинган ҳар гектар ердан ўрта ҳисобда 40 центнердан арпа дони янчиб олинмоқда. **Шу билан бирга айни пайтда бу ерда чорва моллари учун тўйимли озуқа ҳам жамғариляпти. Арпа билан қўшиб ўрилган беданинг ҳам ҳар гектаридан (қуруқ пичан ҳисобида) 50 центнердан витаминга бой тўйимли озуқа ҳозирланяпти.**

Шунингдек, Ангор районидаги «СССР 50 йиллиги» колхозида ҳам арпага ўроқ тушди. Бу ерда 51 гектар арпазорнинг ҳар гектаридан пландаги 25 центнер ўрнига 38 центнердан дон хирмони кўтариляпти. Комбайнчилардан Зонр Шералиев ва Раҳматилла Шукуровлар ғалла ўриш ва янчиш топшириқларини юксак суръат ва юқори сифат билан ўтказмоқдалар. Бу ерда ўрим-йиғим ишлари конвейер усулида ташкил этилган бўлиб, янчилган дон омборга, пресслланган сомон эса чорва фермаларига пешма-пеш ташиб берилмоқда. Ҳар иккала хўжалик ғаллакорлари ҳам арпа ўримини беш иш кунида тугаллашга қарор қилдилар.

А. ХАЛИЛОВ.

• *Спорт*

ҒОЛИБЛИК ЙЎЛИДА

Чирчиқ шаҳрида ўқ отиш мусобақаси бўйича Совет Иттифоқининг энг кучли хотин-қиз спортчилари йиғилишди. СССР ДОСААФ Марказий Комитети ва мамлакат касаба союзлари кўнгилли спорт жамиятлари биргаликда ўтказаётган бу мусобақада 142 спортчи қатнашаётир. Тажриба ва ёшлик маҳорати — навбатдаги кўрикнинг характерли томонидир. Иштирокчиларнинг ярмидан кўпроғи ҳали 20 ёшдан ошмаган.

Тошкентлик халқаро классдаги спорт мастери Алла Мелентьева дастлабки мусобақада ғолиб чиқди. У кичик калиберли милтиқдан уч ҳолатда нишонни аниқ мўлжалга олишда 570 очко тўплади.

Икки кунлик мусобақадан сўнг РСФСР ва Ўзбекистон командасининг вакиллари олдинда боришаётир.

Редактор Л. ҚАЮМОВ.

СССР Давлат банкининг Ўзбекистон республика конторасининг коллективи давлат банкининг Бухоро область контора сининг бошқарувчисининг ўринбосари

Пўлат Айнбжонович МАДИҒОЙИБОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Президиуми, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг биология фанлари бўлими, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Микробиология институти ва ботаника институти коллективлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Президиумининг аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология бўлимининг академик-секретари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Микробиология институти ва ботаника институтининг собиқ директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги

Аҳрор Музаффарович МУЗАФФАРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Театр

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27/V да **Асрга татигулик кун.**

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27/V. да **Чарогондир чўлда юлдузлар,** 28/V да **Паранжи сирлари.**

• *Тингланг, томоша қилинг*

27 май, чоршанба

Телевидение

МТ-I. 8.00 — Зарядка. Мультфильм. Музика. 8.30 —Время. 9.15 — «Давлат чегараси». Бадиий фильм. 10.25 — Жонли табиат. 11.25 ва 16.30 — Янгиликлар. 16.45 — БАМ ҳақида ҳужжатли фильмлар. 17.25 — «Ковпак ҳақида ўйлар». Бадиий фильм 2-фильм. 19.00 — Кундан кунга. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Фан ва турмуш. 20.20 — «Давлат чегараси». Бадиий фильм. 6-фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Ҳаёт билан ҳамқадам. 22.50 — Дунё воқеалари. 23.05 — Концерт. 23.55 — Илмий-оммабоп фильм.

МТ-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Объективда — жониворлар. 9.35 — Музика. 10.05 — Немис тили. 11.05 — СПТУ ўқувчиларига. 11.35 — Музика. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 — «Ноқулай одам». Бадиий фильм, 1-серия. 14.40 — М. Шолохов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.40 — Янгиликлар. 15.45 — Тарих саҳифалари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Музика. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 — «Ноқулай одам». Бадиий фильм, 1-серия. 14.40 — М. Шолохов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.40 — Янгиликлар. 15.45 — Тарих саҳифалари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.30 — Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 — Музика. 12.05 — Шахмат мактаби. 13.05 — «Ноқулай одам». Бадиий фильм, 1-серия. 14.40 — М. Шолохов. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари. 15.40 — Янгиликлар. 15.45 — Тарих саҳифалари. 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Ритмик гимнастика. 19.15 — Жаҳон музика маданияти хазинасидан. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 8.00 — Ахборот. 8.20 — Ялла ва рақслар. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Физика ва фан-техника тараққиёти. 18.15 — Мультфильм. 18.30 — Шоирлар — болаларга. 19.00— Халқ контроли экрани. 19.30 — Ахборот. 19.45 — «Офицерлик — қаҳрамонона касб» телеҳафталиги. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Чолғу куйларидан концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Барҳаёт наволар. 23.30 — Бугун оламда нима гап?

ЎзТВ-II. 19.20 — Чегарачилар кунига. 20.15 — Улуг Октябрининг 70 йиллигига бағишланган ҳаҳ ижодиётга Бутуниттифоқ II фестивали. 21.00 — Яхши кайфият хизмати. 21.30 — Время. **ДУШАНБА.** 22.05 — «Йўқсиллар». Бадиий фильм, 2-серия.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Виза мактуб йўллабсиз. 9.30 — Совет Ўзбекистони: одамлар, ишлар ва режалар. 10.15 — В. И. Ленин номидаги Тошкент Олий умумқўшин командирлари билим юрти ҳақида очерк. 12.10 — Новатор. 13.00 — Чорвадор. 13.30 — Музика сизнинг ҳонадонингизда. 14.00 — Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттириш. 15.40 — Болалар учун ҳикоялар. 18.15 — Қишлоқ ҳаёти. 19.20 — Аланга. 19.40 — Маҳаллий Советларга сайловлар олдидан. 20.50 — Адабий эшиттириш. 21.10 — Қишлоқ оқшомлари. 21.45 — Ўзбекистонда совет адабиёти кунлари. 22.30 — Музикали ҳаёт янгиликлари. 23.15 — Катталарга болалар ҳақида.

Р — 08765. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. В. — 121. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12